

63.3(64)314

M31 кр

49690. Матбобоев Р. Т. Шамсутдинов
А. Мамажонов

БУЮК ИПАК ЙУЛИДАГИ ФАРҒОНА ШАҲАРЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси
Бобур номидаги Андижон
Давлат университети
«Ўзбекистон тарихи»
кафедраси «Мерос» номли
илмий-маърифий марказ

Б. Х. Матбобоев, Р. Т. Шамсутдинов, А. Мамажонов.

***Буюк ипак йўли* даги Фарғона шаҳарлари**

«Андижон», «Мерос» 1994 йил.

Ушбу рисола археологик қазишмаларда қўлга киритилган материаллар асосида баъзи бир ёзма манбаларга таяниб Буюк Ипак йўлидаги айрим шаҳарлар тарихига доир маълумотлар берилган. Жумладан Хитой манбалари хабар берган қадимги шаҳарларни қаерда жойлашгани ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Шунингдек Фарғона водийсида шаҳар маданиятини келиб чиқиши ва уни даврлари ишонarli далиллар билан кўрсатиб берилган.

Китобча ўз ўлкаси тарихи билан қизиқувчи кені ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган. Шунингдек бу асар университетлар тарих факультетлари талабалари учун ўқув дастуридаги «Ўлкашунослик» фанини ўзлаштириш ва археологик ва этнографик тажрибаларни ўтишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қ И Р И Ш

Бу юк ватандошимиз саркарда, шоир ва олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзини дунёга машҳур асарин «Бобурнома»да ёзади: «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур ...Шарқи Қашқар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур... Мухтасар вилоятдур, ошлиқ ва меваси фаровон. «Дарҳақиқат, Ўрта Осиё жавоҳири деб ном олган Фарғона водийси Сирдарё юқори оқимида жойлашган йирик деҳқончилик ва саноат районларидан бири ҳисобланади. Водий жуғрофий жиҳатдан тоғлар орасига жойлашган ҳавзадир (котлован). Шимол, шимоли — ғарб томонлардан Қурама, Чотқол жанубдан Туркистон, Олой тоғ тизмалари ўраб туради. Ғарбда эса ҳавза торайиб Мирзачўл билан туташиб кетади. Водий маъмурий жиҳатдан уч жумҳурият: Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ўртасида бўлинган. Асосан ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар яшайди.

Фарғона водийси жуғрофий жиҳатдан жуда қулай ерга жойлашган бўлиб қадимдан ери унумдор, сув манбалари кўп, иқлими муътадилдир. Шу жиҳатдан бўлса керак археологик манбаларга кўра бу ерда 4000 йилдан олтиқ вақт мобайнида кўҳна деҳқончилик маданияти мавжуд бўлгани исботланган. Бундан ташқари водийни тоғ, тоғолди жойларида қадимдан чорвачилик ривожланган, бу нарса ҳозирги кунларгача давом этиб келмоқда. Яъни қадимдан деҳқонлар билан чорвадор—кўчманчилар бир-бирлари билан узвий алоқада бўлганлар, ўзаро товар айирбошлаш анча ривожланган. Улар ўз навбатида бир-бирларини моддий маданиятларини тўлдирганлар, бу алоқаларни излари археологик ёдгорликларни текшириши мобайнида яққол кўришди. Кўҳна

ҳунармандчиликни кўнлаб турлари ҳам анча ривожланган: темирчилик, тўқимачилик, кўнчилик, қулолчилик заргарлик шулар жумласига киради. Санаб ўтилган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ривожлангани бир томондан, иккинчи томондан Фарғона заминини фойдали қазилмаларга бойлиги уни қадимдан яқин кўшнилар ва олддаги мамлакатлар билан фаол савдо-сотиқ ишлари олиб боришида асосий омил бўлган. Бундан ташқари водий Хитойни ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишларида ўзинга хос кўприк вазифасини ҳам бажарган. Ана шу савдо карвонлари ўтган шаҳар ва қишлоқлар тарихини ўрганиш ҳозирги тарих фани олддаги долзарб масалалардан биридир. Яқин вақтларгача бу вазифани бажариш мушкул эди. Сабаб ҳаммага аён: ўзбек давлатчилиги мустақиллиги бир асрдан кўп вақт мобайнида ерга топталди. Кўшнилар билан алоқаларимиз фақат Москва орқали амалга оширилди. Фақат 1991 йилдан сўнггина мажбуран ўзиб ташланган савдо алоқалари, ота-боболаримиз ишлари қолган карвон йўллари яна тикланмоқда. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ташаббуси билан қадимги ипак йўли алоқалари жонлантирилмоқда. Ушбу рисолада айнан шу Буюк Ипак йўли — халқаро савдо йўли бўйидаги қадим Фарғона шаҳарларига имкон даражасида тўхталамиз! Ушбу шаҳарларни ўрганишда бизлар асосан археологик қазинма натижаларига ва баъзи ёзма манбаларга таяндик. Ушбу шаҳарлар тарихини беришда энг қадим замонлардан то қорахонийлар давлати ташкил этилгунга қадар вақт билан чегараландик. Уйлаймизки шаҳарларни кейинги давр тарихини ўрганиш алоҳида мавзу бўлади.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ДАСТЛАБКИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Қадим Фарғона² водийси худди Бақтрия, Сўғд, Хоразм каби йирик тарихий маданий ўчоқлардан бири бўлган. Водийга атрофга назар солсангиз тўрт тарафи ўралганга ва қўшнилардан маданий ва иқтисодий соҳада бир қадар ажралиб турганга ўхшайди. Бир жиҳатдан Фарғона ўзига хос маданиятга эга ҳам. Аммо бу билан водий қўшни воҳа ва регионлардан ажралиб қолган эканда деб хулоса чиқармаслик керак. Ўз навбатида Фарғона қўшни юртлар (Чач—Тошкент, Шарқий Туркистон, Сўғд) билан қадимдан яхши қўшничилик алоқалари қилиб келган. Уларнинг моддий маданиятидаги баъзи элементларини олиш билан бирга қўшниларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ушбу ўзаро таъсирини водийда 100 йилдан ортиқ давр мобайнида олиб борилаётган археологик қидирув ишлари яққол кўрсатиб турибди.

Фарғона водийсини археологик ўрганиш 19-аср охирларидан яъни рус натуралист олимлари А. П. Федченко, Н. А. Северцов, А. Ф. Миддендорфларни аҳён-аҳёнда ўтмиш ёдгорликлар тўғрисидаги маълумотлар тўплаган вақтдан бошланади.

Мутахассслар томонидан биринчи марта ўрганиш эса 1884—1885 йиллари Петербург дорулфунуни доценти, шарқшунос ва археолог Н. И. Веселовскийнинг (1848—1918) ўрта Осиё хусусан Фарғона водийсига келишидан бошланади. Олим ўз эътиборини мусулмонлик даври ёдгорликларини ҳамда Косонсой (Муғ), Ахсенкент, Ўзганини тадқиқ этишга қаратди. Айниқса Н. И. Веселовский Шимоллий Фарғонада жойлашган қадимий мазорлардаги 30 га яқин гошқўрғонларни (қабрлар) қазиб ўрганиши муҳим-

дир. Бу ишлар Фарғона археологиясида биринчи бор амалга оширилди.

Кейинги ишлар 1930 йилдан бошланади. Шу йилги Ленинград Давлат Эрмитажги ходими Б. А. Латинин Учқўрғон электр станцияси қурилиши мусоабати билан у киши қурилиш яқин ерларда археологик кузатув ишлари олиб борди. Уздан олдинги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ Б. А. Латинин мусулмонликкача бўлган ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланди. Уни энг катта хизматларидан бири кўплаб ҳали маълум бўлмаган ёдгорликларни аниқлади. Фарғонага хос бўлган қизил ангобли сополлар ва бусёқ билан гул солинган сопол буюмларни топилиши шунга киради. Кейинчалик бу топилмалар водий археологиясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу олимни яна бир хизмати у Урта Осиёда биринчи бўлиб йирик деҳқончилик районининг — Фарғона водийсининг суғорилиш тарихини ўрганишни бошлади ва бу соҳани келажакда катта аҳамият касб этишини таъкид этди.

1939—1940 йилларда Ўзбекистонда ҳам йирик бунёдкорлик ишлари аниқса сув ишшоотлари — каналлар қурилиши авж олди. Булар ичида Катта Фарғона канали қурилиши вақтида олиб борилган археологик кузатув ишлари ўз кўлами билан ажралиб туради. 270 км узунликдаги тупроқ қазиш ишлари археологлар ингоҳида бўлди. Водий қадим тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

Кейинчалик 1940 йили Т. Г. Оболдуева Шимоллий Фарғона канали қурилишида, В. Д. Жуков эса Жанубий Фарғона қурилишида ана шундай археологик кузатув ишлари олиб бордилар. 1943—1944

йиллари В. Д. Гайдукевич Фарҳод электр станцияси қурилишида илмий қидирув ишлари қилди. Санаб ўтилган йирик қурилишлар даврида олиб борилган археологик ишлар натижасида водийнинг юзлаб ёдгорликларидан дастлабки материаллар тўпланди. Бу нарса Фарғона қадим тарихини фактик материаллар билан кўпайтиришида муҳим омил бўлди.

Урушдан кейинги 1946 йилдан эътиборан, етти дала мавзуми давомида Фарғона водийсида йирик археолог, хитойшунос профессор А. Н. Бернштам (1910—1956) иш олиб борди. Олим уч республика (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон) илмий потенциалини бирлашиб кенг кўламли ишларни амалга оширди: Шу мақсадда 1950—1952 йилларда Помир—Фарғона комплекс археологик экспедицияси ташкил этилди. А. Н. Бернштам иш мобайнида қадимги деҳқонлар ва чорвадорлар, шаҳар ва қишлоқ харобаларини бир хил тадқиқ этди. Агарда Н. И. Веселовский асосан ўрта аср ёдгорликларини, Б. А. Латинини мусулмонликка қадар ёдгорликларни ўрганишган бўлсалар А. Н. Бернштам қамрови жуда кенг-тош асридан то XVIII—XIX асрларгача бўлган тарихий ёдгорликларни ўрганди. Фарғона водийсининг йирик археология ёдгорликлари бўлмиш Эйлатовда, Мингтепада (Марҳамат), Қосонда, Ахсикентда, Қувада, Узганда илмий текшириш ишлари олиб борди. Ёзма манбалар маълумотларини қазиниша натижалари билан солиштириб кўриш натижасида олим муҳим хулосалар чиқарди. Ана шу хулосалардан бири қадим Фарғона маданиятининг икки йўналишида бўлганлиги (деҳқончилик ва чорвачилик), уларни бир-бирига ўзаро таъсири тўғрисидаги фикр. Бунга кўра водийда қадим вақтлардан деҳқончи ва кўчманчи чорвадорлар маданияти бўлган. Текислик районларда, сой ва дарё ўзанларида деҳқон-

чиллик билан машғул халқлар яшаган бўлса тоғли районларда ўт-уланлар мўл жойларда кўчманчи чорвадорлар истиқомат қилганлар. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда. А. Н. Бернштам хулосасининг кучи шунки кейинги археологик қазинишлари ҳам ушбу хулосанинг нақадар тўғрилигини исботлаб турибди.

Фарғона водийсини археологик ўрганиш 50—60 йилларда янги босқичга кўтарилди. Бу вақтга келиб Ўрта Осиё республикалари Фанлар Академиялари қошида илмий марказлар ўз ҳудудларида кенг кўламда илмий қидирув ишлари бошлаб юбордилар. Бу ишларда марказий шаҳарлар илм ўчоқлари Санкт-Петербургда — Эрмитаж, Археология институти, Этнография институти; Москвада Археология институти кабилар вилоятлардаги ўлкашунослик музейлари билан ҳамкорликда қатнашдилар. Жумладан Андижон ўлкашунослик музейида В. И. Козенкова, Фарғонада Н. Г. Горбунова, Б. З. Гамбург, Наманганда б. Г. Чуланов, Ушда. Ю. Д. Баруздин, А. И. Пошко водийда актив археологик тадқиқотлар утказдилар.

50-йилларда водий қадим тарихида муҳим янгиликлар қилинди, булар тўғрисида бир рисолада батафсил тўхтаб ўтиш мушкул. Шундай бўлсада энг муҳим тадқиқотлар устида тўхталиб ўтамиз. Булардан энг асосийси Фарғонада Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган тош даври маконини Ҳайдаркон яқинидаги Сел-Унгур ғорини топилиши бўлди. Бу макондаги тош қуруллар бундан 1 млн—800 минг йил олдинги вақт билан белгилаingan. Худди шу жойдан топилган ва дунёда энг нодир ҳисобланган одам суяги қолдиқлари асосида яратилган фергантроп одамига оид дастлабки маълумотлар олинди. Ушбу экс-

педия раҳбари Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори У. И. Исломовни фикрича бу топилмалар Фарғонани энг қадимги одамлар жойи бўлганидан далолат беради ва қуйи (илк) тош давридаёқ одамлар водийни макон қилган эканлар. Яна Фарғона водийсидан юқори палеолит даври (бундан 20—10 минг йил олдин) топилмалари ҳам аниқланган. Марказий Фарғонада, Обиширда, Тошкўмирда мезолит (ўрта тош даври — бундан 7—6 минг йиллар олдин) ва неолит (янги тош даври — бундан 4—3 минг йил олдин) даври ёдгорликлари топилди. Буларни барчаси нафақат водий қадим тарихида балким инсоният тарихида ҳам муҳим кашфиётлар ҳисобланади.

Фарғона қадим тарихини неолит даврдан кейинги даврига оид ёдгорликлар умуман топилгани йўқ. Масалан, энеолит, илк бронза даври муаммолари водий археологиясидаги «оқ доғлар»дир. Бундан келиб чиқиб Фарғонада шу даврда ҳаёт тўхтаган-ми? деган савол қўйилмаслиги керак. Чунки ўша неолит даврдан кейинги вақтга таълуқли, кам бўлсада топилмалар Фарғонани у ер бу ерида тасодифан топилган. Булар каторига Наманган вилоятидан 1894 йили топилган Ҳок хазинаси (эрадан илгариги икки минггинчи йилликни биринчи ярми), 1924 йили топилган Афлотун хазинаси (эрадан илгариги икки минггинчи йиллик ўрталари), Фарғона вилояти Сўх қишлоғидан аниқланган тошдан қилинган илонлар асосида ҳайкални ясалган идиш (эрадан илгариги икки минггинчи йил) кирати. Буларни кейинроқ Фарғонага келиб тушгандир деган шубҳани бўлиши ҳам табиий. Лекин бундай топилмаларни Фарғонада бир нечаси аниқланган, ҳаммасини ҳам сўнгги даврда келтирилган дейиш бир оз нотўғри бўлиши керак. Қолаверса, неолит даври тадқиқотчилари ҳў-

сусан В. И. Тимофеев муаллифларни бири билан бўлган суҳбатда тош қуроолларни хронологик жиҳатдан сўнггилари Марказий Фарғонани Сарижўга сойи атрофларига тўғри келаётганини айтиб ўтган. Биз уларни энеолит ва илк бронза ёдгорликларини айнама шу жойдан қидиришимиз керак. Бундай ёдгорликлар ё ҳалигача топилгани йўқ ё улар Сарижўгани қалин ётқизиқлари остида қолган.

Эрадан илгариги икки минггинчи йилликнинг 2-ярмидаги бронза даврининг дашти қабилаларининг маконлари Қайроққумда топиб ўрганилди. Эрадан илгариги иккинчи минг йиллик охири бир минггинчи йил бошларидаги деҳқончи қабилалар тарихини (Чуст маданияти)³ ўрганишда катта ишлар қирилди. Асосан Ю. А. Заднепровский, В. И. Спришевский, Б. Х. Матбобоевлар бу маданият ёдгорликларини ўрганишда кўпгина ишларни амалга оширдилар. Айниқса Ю. А. Заднепровский водий ҳудудидан 80 дан ортиқ чуст даври ёдгорликларини аниқлаб, уларни Фарғона қадим тарихини ўрганишдаги ўрни ва родини кўрсатиб берди.

Илк темир даври (эрадан олдинги 6—4 асрлар) ёки Эйлатон маданияти соҳибларидан қолган ёдгорликлар айниқса қадимги мозорлар Н. Г. Горбунова томонидан кенг ўрганилган.⁴ Оқтом, Суфан, Кўнғай, Валик каби мозор-қўрғонлардан жуда қимматли маълумотлар олинди. Бу даврининг ягона шаҳар харобаси бўлмиш Эйлатонда ҳам маълум ишлар бажарилди, аммо ёдгорликни катта қисми бузиб ташланган (ёдгорлик ҳақида кейинги бўлимда тўхталамиз).

Ю. А. Заднепровский кўплаб изланишлари натижасида Эйлатон маданиятидан кейинги даврга тўғри келувчи деҳқончи қабилалар билан боғлиқ Шурабашат маданияти ёдгорликлари кўплаб очилди. Яқин

вақтларгача Шурабашат ёдгорликлари фақат водий-ни шарқий районлари учунгина хос бўлган нарсалар деб қараларди. Аммо кейинги йиллардаги илмий қидирув ишлари бу фикрларга тузатишлар киритди: шурабашат маданияти ёдгорликлари Қорадарё ва Норин дарёлари ўртасидаги ҳудуддан (асосий ёдгорлик билан янги топилган орасидаги масофа 80 км) Ялпоқтена ёдгорлиги топилади. Яна шурабашат маданиятига хос материаллар Андижон шаҳри яқинида ҳам қайд қилинган. Демак, бу маданият соҳиблари водийни катта территориясида эрадан илгариги 4—1 асрларида тирикчилик қилганлар. Шурабашат маданиятини ўрганиш бўйича Археология институти катта илмий ходими Б. Х. Матбобоев 1993 йили қўшни Қирғизистон республикасида қазишма ишлари олиб борди.

60—70-йилларда Ю. Д. Баруздин Уш вилояти Баткен районида жойлашган эраизми 2—4-асрларига тўғри келадиган Қорабулоқ мазорини ўрганди. У ердан топилган мумиёланган жасадлар, уст-бош қолдиқлари, ёғочдан ясалган буюмлар мутахассисларни ҳайратга солди.

Водий қадим тарихини гапирганда ўша ўрта аср ёзма манбалари тилга олган шаҳарлар: Ахсикент, Боб (Поп), Қува кабиларда олиб борилаётган илмий текширув ишларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ахсикентда А. Анарбоев, И. Аҳроров бошчилигида кенг кўламли ишлар кетмоқда. Қува шаҳар харобасида В. А. Булатова, Д. П. Вархотова ишлари натижасида машҳур будда ибодатхонаси ковлаб очилди. 1987—1992 йиллари қадимги Баб (Паб) Поп шаҳрини ўрганиш бўйича ишлар қилинди: шаҳар ўрни, уни ривожланиш хусусиятлари ўрганилди. Қазишмалар муаллифи Матбобоев Боқижон фикрига кўра Поп водийдаги энг қўқна шаҳарлар қаторига киради.

Шаҳар ўз қабристонига эга бўлган, бу мазор бизга-ча етиб келган. Мозорни маҳаллий халқ Мунчоқтепа 1988 йили оммавий ахборот воситаларида шов-шувларга сабаб бўлган ер ости сағаналари топилди. Сағаналардан жуда яхши сақланган кийим-кечак, озик-овқат, қурол-яроғлар чиқдики булар ҳаммаси собиқ СССРдаги 1988 йилги тўрт машҳур томилмадан бири деб баҳоланди. Кейинги 5—10 йил ичида Косонсой районидаги Гурмирон мазорида (Матбобоев Б), Чуст яқинидаги тошкўрғон мазорларида (Баратов С), Эйлатон шаҳар харобасида (Кудратов С) илмий қидирув олиб борилди.

Ниҳоят 1985—1986 йиллари Археология институти ходими Матбобоев Б. Х. Санкт-Петербургдаги Археология институти билан ҳамкорликда Давань (Фарғона) подшолиги пойтахти бўлмиш Мингтепада (Эрши) текшириш ишлари олиб борди, (бу ҳақда кейинги саҳифаларда тўхталамиз).

Яна бир ўрта аср шаҳри Андижонда Археология институти ходими Б. Абдулгазиева ва Андижон университети доценти С. Жалилов тадқиқот олиб бормоқдалар.

Хуллас, 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида археологик жиҳатдан ўрганилаётган Фарғона водийси ҳудудида инсоният тарихини қадимги даврдан XVIII-XIX асрларига оид кўплаб тарихий ёдгорликлар аниқланди. Бу ёдгорликлар ёзувгача бўлган ва ёзувдан кейинги тарих саҳифаларини ёритишда бебаҳо маълумотлар беради.

ВОДИЙ ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ҳозирги тарих фани олдида ер юзида шаҳарларни пайдо бўлиш сабаблари, уларни тарихий тарақ-

қиётдаги ўрни масаласи долзарб муоммолардан ҳисобланади. Чунки инсоният тарихини маълум бир даврларини ривожланишини шаҳарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни шаҳарлар ва урбанизация жамиятда ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлайди. Урбанизация деганда фанда бир томондан шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланиши тушунилса, иккинчи томондан саноат ривожланган шаҳарларни жамият тараққиётига таъсири тушунилади. Урбанизация ер юзида бир ҳил кечмаган ва ўз ичига бир неча даврларини олади. Масалан, энг дастлабки шаҳарлар Шумер, Элам, Хиндистонда эрадан илгарги 4-3 минг йил олдин, қадимги Хитойда эрадан илгарги 3-2 минг йил олдин пайдо бўлган. Шимолий Европада эса бу жараён анча кеч содир бўлган, яъни эраизини бир минггинчи йилларини ўрталарига тўғри келади. Урта Осиёдаги илк шаҳарлар хусусиятлари ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Бу мавзуда В. М. Массон, А. А. Асқаров, Б. А. Литвинский, В. А. Заднепровский, Н. Н. Негматов, Ю. Ф. Буряков, Т. Ш. Ширинов каби археолог олимлар тадқиқотлари мавжуд. Бу илмий ишларда урбанизация даврлари жараёни сони иккитадан тортиб саккизтагача боради ва эрадан илгарги 4-2 йилликлардан ҳозиргача бўлган вақтни ўз ичига олади. Жумладан, В. В. Массон қадимги шарқ (милоддан илгарги 3 минг йиллик охири 1- минг йиллик ўрталари) ва антик давр (милоддан илгариги 3-аср ва милоднинг 4-5 асрлари) деб урбанизация жараёнини иккига бўлади. Н. Н. Негматовда шу жараён саккиз даврга бўлинган: энг қадимги (даври-ўтроқ деҳқончилик маконларини аста-секин ривожланиши) милоддан олдинги 4-2 минггинчи йиллар билан бошланиб сўнг-

гиси 20-аср билан тугайди. Таклиф этилаётган урбанизация жараёнларини даврлаштириш жуда мушкул шунинг учун бўлса керак уларни кўплари мукаммал эмас. Қолаверса ҳар бир тадқиқотчини ўртага ташлаган фикри ўша тадқиқотчини ўз метериали ва иш услубидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Урбанизация жараёнларини пайдо бўлиши ва ривожланиши қай даражада ечилишига қарамай улар бир нарсада умумий фикр билдирадилар: Ўрта Осиёда шаҳарлар бошқа жойларга нисбатан анча олдин пайдо бўлган. Лекин илк-энг қадимги шаҳарларни ҳозирги шаҳар тушунчаси нуктаи назаридан қаралмаслиги керак. Улар энди шаҳар белгиларини олаётган йирик аҳоли маконлари бўлиши мумкин. Бу белгиларни, илк шаҳар асосларини археологик қазинмалар пайтида аниқланади. Юқорида номи зикр этилган В. М. Массон дастлабки шаҳарлар учун қуйидаги асосий белгиларни аниқлайди:

- 1-аҳоли сони 5000 дан кам бўлмаслиги керак;
- 2-маҳобатли (ҳашаматли) меъморчилик бинолари (улар дунёвий ва диний бўлиши мумкин) бўлиши зарур;
- 3-ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи марказ бўлиши шарт.

Шаҳарлар дунёни турли районларида турли вақтларда бунёд этилишлари, улар ҳар хил вазифаларни бажаргани ва бир неча даврларни бошдан кечирганлари бўлиши табиийдир. Тарихдан шаҳардаватлар, аграр-шаҳарлар, савдо-шаҳарлари ва шу кабилар маълумдир. Яъни ҳар бир тарихий даврда замон талабидан келиб чиқиб ўзига хос «шаҳар» тушунчалари бўлади. Масалан: «антик шаҳар», «ўрта аср шаҳри», «капиталистик шаҳар»

ва машъум «социалистик шаҳар» ва х. о. Тарих фанида урбанизация жараёнини турли даврлардаги хусусиятлари ҳисобга олиниб: энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар шаҳарларига бўлинади. Шаҳарни шаҳар бўлиши учун ўзаро бир бири билан боғлиқ ҳолда кўпгина сабаблар мавжуд бўлади. Биринчидан, шаҳарда савдо ва саноат билан боғлиқ меҳнат тақсимоти ҳукмрон бўлиб, қишлоқдан иқтисодий жиҳатдан фарқ қилади. Бошқача айтганда иқтисодий жиҳатдан шаҳар билан қишлоқ бир бирини тўлдиради, бир бирисиз яшай олмайди. Қишлоқ шаҳарга деҳқончилик маҳсулотлари берса шаҳар ўз навбатида қишлоққа ҳунармандчилик ёки саноат товарлари беради. Иккинчидан, шаҳар қишлоқдан на фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балким ўз жамоа тузумлари таркиби билан ҳам фарқ қилади. Жумладан, шаҳар ўзига хос равишда бошқарилади, ўз солиқлари бўлади.

Демак, шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишида иқтисодий, снёсий, ижтимоий омиллар асосий ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу билан бирга физик-жуғрофий омиллар: фойдали қазилма бойликлар, шаҳарни жойлашган ўрни, сув билан таъминлангани, ташқи дунё билан қандай боғлангани (чунончи савдо йўллари билан алоқаси) ҳам катта аҳамиятга эга. Демак шаҳарда, маълум территорияда одамларни уюшиб яшаши учун керак бўлган дунёвий, диний, иқтисодий ташкилотларни бир бутун организми вужудга келтирилади.

Кейинги пайтларда Ўрта Осиёда шаҳарларни пайдо бўлиши борасида катта ишлар олиб бораётган А. А. Асқаров ва у кишининг шогирди тарих фанлари доктори Т. Ш. Шириновлар хулосаларига кўра археологик қазиб ўрганилган қадимги шаҳарлар учун қуйидаги белгилар бўлиши керак:

1. Юқори табақа вакиллари, ҳоким яшайдиган сарой тизимлари;
2. Тоат-ибодат қилинадиган жойлар — ибодатхона, топиниш ва спғиниш билан боғлиқ уйлар;
3. Ҳукмдор ва уни яқинлари яшайдиган жой аркни бўлиши, уни мустаҳкам деворлар билан ўралгани;
4. Ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда турар-жойларни даҳаларга бўлиниши;
5. Алоҳида жойлашган ва ривожланган ҳунармандчилик соҳаларини борлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Фарғона водийсида шаҳарларни пайдо бўлиши, ривожланиши бутун Урта Осиёдаги каби умумий хусусиятлар билан бирга ўзига хос томонларга ҳам эгадир дейиш мумкин. Сабаб томонлари табиий равишда ўралган водий оз бўлсада атрофдаги умумий жараёнлардан йироқроқ бўлган. Узоқ йиллар олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра водийда илк шаҳарлар пайдо бўлиши бошқа жойлардагидан айтайлик Бақтриядагидан кейинроқ рўй берган. Қадимги шаҳар белгилари ҳам бошқа регионларникидан кам бўлсада фарқ қилади.

Водийда шаҳарсозлик маданиятининг дастлабки элементларини қадимги деҳқончилик — Чуст маданияти ёдгорликларида учратамиз. Бу ёдгорликлар милoddан аввалги икки минг йиллик охири-бир минг йиллик бошларига тўғри келади. Ҳозиргача уларни 80 га яқини аниқланган, деярли Фарғона водийсини ҳамма жойида учрайди. Энг йириклари Далварзин-25 га, Чуст-4 га, Ашқалтепа-4 га.

Далварзинтепа (Андижон вилояти, Жалолқу-

дуқ райони, Ойим давлат хўжалиги) майдони жиҳатидан энг каттаси ва узоқ йиллар ўрганилган. 1952 йили б. А. Заднепровский отмонидан аниқланган ва 16 йил давомида илмий қидирув ишлари олиб борилди. Ёдгорлик табиий сув яқинида, Қорадарёни 3—4 км узоқликдаги ирмоғи бўйида жойлашган.

Кўп йиллик текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Далварзинтепа уч қисмдан иборат қилиб қурилган экан. Ҳар бир қисм алоҳида девор билан ўралган ва ўз вазифаси бўлган. Яъни асосий 18 га майдон яшаш жойи, 5 га мол-қўй сақланадиган қисм, 2 га махсус ажратилган бўлак бўлиб ҳукмдорлар яшаганлар. Оҳирги қисм Далварзинтепа арки деб ҳам аталади. Бу ердаги мудофаа деворлари ва арк фақат Фарғонада балким Ўрта Осиё регионида ҳам қадимийлардан ҳисобланади. Дастлаб Далварзин атрофи очиқ бўлган, кейинроқ девор билан ўраб олинган. Деворлар маҳсус тагкурси (платформа) устига қурилган. Уларни куйи қисмлари яхши пиширилган лойга ғишт ва гувалак парчалари қўшиб кўтарилган. Юқори қатлам фақат ғишт билан тикланган, таъмирлашда ва кенгайтириш ишларида ўзимизнинг оддий гувалаклардан фойдаланилган. Сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш учун деворни қуйи қисми юқорисидан кенгроқ қилинган бўлиб, у 4-6 метрга боради, баландлиги 2,5 метрда сақланган. Ҳисиб-китобларга кўра бир вақтда бутун ён атрофдаги аҳоли кучи билан тикланган. Қурилишда қатнашган ҳар бир гуруҳ ўзи тайёрлаган ғиштларга махсус белгилар қўйган, бундай белгилар 20 дан зиёди аниқланди. Тарихий ва этнографик маълумотларга таяниб ишлаб чиқилган ҳисоб-китобларга кўра деворлар икки-уч йилда, агар қурилиш жуда чўзилган бўлса беш йилда битказилган бўлса керак.

Мустаҳкам деворлар билан ўралган ёдгорликда уй-жойлар қандай бўлган экан деган савол узоқ вақт тадқиқотчиларни ўйлантирди. Фақатгина 70-йилларга келиб бу масалани ҳал этишда маълум ишлар қилинди. Далварзинтеладан уч хил турар жой қолдиқлари аниқланди:

1. Хом гиштлардан тикланган уйлар;
2. Ярим ертўла типдаги уйлар;
3. Енгил қора уй (капа) типдаги уйлар.

Лекин уларни барчаси жуда ёмон сақланган. Умуман Фарғона водийсини қадимги ёдгорликларини ковлаб ўрганувчиларни бир нарса қийнайди: уй-жойлар деярли сақланмаган. Гулдор, жимжимадор сополлар, бронзадан ясалган ажойиб қурол-яроғлар тайёрлай билган далварзинликлар турар-жойлари нимагадир ёмон сақланган экан? Сабаби бизга ҳали қоронғу... Бу муаммони ойдинлаштирадиган бирдан бир сабаб қадим Фарғона уй-жойларини тиклашда фойдаланилган қурилиш материалларга бориб тақалса керак. Бизнингча қадимда ҳам бинолар ҳозиргига ўхшаб кўпроқ ёғоч синч билан қурилган. Вақт ўтиши билан синч ёғочлари чириб бинолар қолдиғи яхши сақланмаган бўлиши мумкин. Бу фикрни тасдиғи сифатида Ўшдаги Сулаймон тоғидаги Чуст маданиятига таълуқли бундан 3000 йил олдинги уйлар қолдиғини келтириш мумкин. Чунки бино полидан ёғоч устунларини ўрни чуқурчалари тизими топилган. Ҳатто уй ўртасидаги марказий устун ўрни ҳам аниқланган. Хуллас, ёдгорликлардаги мураккаб меъморий режалар, арк ва мудофаа деворларини мавжудлиги Далварзин, Чуст каби ёдгорликларни бундан 30 аср олдин водийдаги шаҳарсозлик маданиятини дастлабки босқичи билан боғлаш имконини беради.

Фарғонада урбанизация жараёнини кейинга

даври Эйлтон маданияти (эрадан илгарги 6-4 асрлар) ёдгорликларида кузатилади. Бу давр учун ягона ёдгорлик ҳозирги Андижон вилоятини Избоскан туманидаги Эйлтон шаҳар ҳаробасидир, у айрим манбаларда «шаҳри Ҳайбар» ҳам дейилади. 1-сурат.

Эйлтон водий шарқ томонида ўрта аср ёзма манбаларида Миён рудон деб аталган Қорадарё ва Норин дарёлари оралиғидаги худудда жойлашган. Агарда шаҳар ҳаробасини 50-йилларда юқоридан олинган режасига қарасак уни икки қисмдан иборат бўлганлиги аниқ кўринади. Деворлар билан ўралган қадимги қисм майдони 20 гектар (ички қисми) ҳамда ички ва ташқи деворлар орасидаги 170—180 гектарлик майдон (ташқи қисм) ажралади. Бу ерни шартли равишда ташқи шаҳар деб аташ мумкин. Ҳозирги кунда бу қисмдан ҳеч нарса сақланмаган, хаммаси бузилиб кетган. Ҳолбуки, 30-40-йилларда Эйлтонда текшириш олиб борган Санкт Петербурглик олим Б. А. Латинин ташқи деворни кузатув миноралари билан сақланиб қолганини қайд этган. У қолдирган ёдгорликни режаси ва маълумотларга кўра ташқи деворни шимолий қисми узунлиги тахминан 2200 метр, шарқий қисми узунлиги 900 метрга борган, ҳамда ҳозирги Куюлтепага туташиб кетган. Ички шаҳар ҳам кучли девор билан ўралган. Деворлар баландлиги 4-5 метрга боради, ҳар 55-60 метр жойда худди бир тизимга териб қўйилгандай тепаликлар кўзга ташланади. Булар кузатув миноралари қолдигидир. Жанубий-ғарб, жануб томонлари боғ; ўрмон хўжалиги ва ҳар хил қурилишлар оқибатнда деярли бузиб юборилган. Ички шаҳарни жануб томони ҳозир заҳкаш ва атрофида пахта далалари мавжуд. Бу ерда маданий қатлам анча қалли, шаҳардаги дастлабки ҳаёт айнаи шу ердан бошланган бўлиши керак. Қадимги топилмаларни

кўпроқ қисми ички шаҳардан аниқланган. Эйлтонда ҳоким яшайдиган арк қисми топилгани йўқ, эҳтимол бўлмагандир. Дастлабки текширув пайтида ҳеч қандай уй-жой қолдиқлари топилмади. 1952 йили ички шаҳарда турар жой қолдиқларини аниқлашга эришилди. Улар энди унча катта бўлмаган узун-узун хоналардан иборат эди. Деворлари пахса ёрдамида тикланган: эни 80-90 см, бўлиб 50 см баландликда сақланиб қолган. Оқ, оқ-сарик сопол сиртига қизил, қўнғир қизил бўёқ билан хилма хил геометрик шаклли нақшлар солинган эди. Бу безаш усули фақат Эйлатон ёдгорликларига хос бўлиб анча олдин яшаб ўтган деҳқончи қабилалар (эрадан олдинги 10-8 асрлар) сопол ишлаб чиқариш анъаналарини давом эттирарди. Бу даврда муҳим янгилик бўлди, биринчи марта сопол идишларни қулолчилик чархида тайёрлаш бошланади. Қулолчиликда бу катта ўзгариш Фарғонани бошқа ерларидаги шу вақтга оид ёдгорликларда — Суфан, Оқтом, Ниёзботир, Валик каби мазорларида учрайди. Юқорида айтдикки Эйлатон ички кучли девор (ички ва ташқи) билан ўраб олинган. Деворлар маълум режа асосида қурилган бўлиб гишт ва қизилги гувала ёрдамида тикланган. Девор эни 4 метрга, баландлиги 2,5 метрга боради. Девор тоза, соф тупроқ устига қурилган яъни у шаҳар қурила бошлаган даврдаёқ тиклана бошланган. Девордаги миноралардан шаҳар атрофи кафтдек бўлиб кўрингани учун ёв-душман ҳавфидан ичкаридагилар бемалол ҳабардор бўлиб турганлар. Миноралар тўртбурчак шаклда бўлиб (ўлчамлари 10,5 x 10 м) умумий девордан олдинга бўртаб чиқиб туради. Бу эса уларда туриб ҳар қандай шароитда шаҳарга ҳужум қилаётган душманини аниқ мўлжалга олишга имкон берган. Қоровулхоналар махсус гувала билан лой аралаштирилиб кўтарилган пойдевор устига сомонли лой-

дан тайёрланган гиштдан қурилган. Уни ковлаб очилган пайтдаги баландлиги 3,5 метр, бўлганини ҳисобга олсак қурилган вақтда 4,5-5 метрга борганини тасаввур этиш қийин эмас. Шунини ҳисобга олиб деворлар қадимдаёқ таъмир этилган. Баъзи ерларига қўшимча қўш девор қилинган ёки қалин лой билан сувалган. Шу тариқа мудофаа иншоотлари «умри узайтирилган». Таъмир ишларини бунчалик батафсил баён қилишимизга текширув-қазув пайтида аниқланган қават-қават лой сувоқларни бир-биридан фарқи ёки кейинчалик ишлатилган қурилиш материалларини олдингиларидан фарқ қилиб туриши каби майда кузатувлар сабаб бўлди. Деворни бунёд этишда қанча одам қатнашган, қанча вақт кетгани сиз билан бизга қоронғу. Фақат бир нарсани таъкид этишимиз мумкин. Эйлатон шаҳар қалъаси жуда мукаммал қурилган ва ўз замонасининг йирик меъморий — муҳандислик ютуғи дейиш мумкин. Бундан ташқари Эйлатон атрофи дала ва тўқайзорлардаги деҳқонлар, чорвадорлар учун душман ҳавфи пайдо бўлганда улар шаҳар ичига беркинганлар. Бунинг учун ички ва ташқ девор ораллиғида камида 180 гектар ер мустаҳкам девор билан ўралган эди. Шуларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, деворлар қурилишида Эйлатон ён атрофларидан бир неча минг одам навбат билан ишлаган бўлиши ва қурилиш ишлари йил бўйи давом этган бўлиши керак. Мудофаа деворлари эрадан олдинги 3-2 асрларгача фойдаланилган, кейин турли ва ташқ сабабларга кўра шаҳарда ҳаёт тўхтаган. 2200-2300 йилдан буён Эйлатон вайронага, харобага айланиб ўлик шаҳар бўлиб ётибди. Мана шу вақтда яъни эрадан илгарги 3-2 асрлардан Эйлатон яқинида Тўркўл шаҳар-қўрғони (ҳозирги шу номли қишлоқ марказидаги улуғ мазор) қурилган. Уни майдо-ни 9 га шимолий-ғарб томонида кўхна арк қолдиқ-

лари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шаҳар-қўрғон кузатув миноралари билан таъминланган кучли мудофаа деворп орқали ҳимоя қилинган. Эйлатондагидан фарқи ва қизиқ жойи ҳам шуки, Тўрткўлдаги миноралар бир вақтни ўзида ҳам уй-жой ҳам қоровулхона бўлиб хизмат қилган. Бундай кузатув миноралари бизларга тарихдан маълум. Улар икки қаватли бўлиб юқорисида чор атроф доим кузатилиб турилган, пастки қават эса озиқ-овқат турадиган ва яшаш жойи бўлиб хизмат қилган. Тўрткўлтепани деворларини атрофидан ташқи томондан айлана қилиб сув ўтказилган. Бу нарса ғанимларни қўрғон деворларини забт этишини қийинлаштиради. Шундай қилиб, бу шаҳар-қўрғон Эйлатон ўрнини олган, яқин атрофдаги йирик аҳоли яшаш жойига айланган. Демак, Эйлатон ва умуман шу давр шаҳар маданияти шаклланди. Бу жараён қадимги Фарғона ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Чунки худди антик даврдан бошлаб шаҳарсозлик маданияти янги босқичга кўтарилди, шаҳарлар сони ортади.

Антик даврдан яъни милоддан илгариги тўртинчи ва милоднинг тўртинчи—асрларидан эътиборан водий шаҳарсозлик маданиятида кўпгина сифат ўзгаришлар бўлади. Бу ҳақда ёзма манбалар хусусан Хитой солномалари хабар берганлар. Йирик шаҳарлар Шўрабашат (70 га), Қорадарё (10 га), Учқўрғон—Қайновот, Мингтепа (38 га), Поп қабилар тарих саҳнасига чиқадилар. Улар майдонларини катталиги ва мукамал мудофаа деворларини борлиги билан ажралиб турадилар. Бу ҳақда ҳам сал кейинроқ тўхталамиз.

Шаҳарсозлик маданиятининг кейинги даври эра-мизни 5—8-асрларига тўғри келади. Утганги антик давр шаҳарлари ўз ўрнинларида қолиб ён томон-

ларига кенгайдилар. Атроф қишлоқлар ва аҳоли пунктларини бу шаҳарларга тобелиги ортади. Қосон, Қува, Ахсенкент, Поп, Хўжанд, Ўратепа (Вагкат) каби шаҳарлар гуллаб яшнайдилар. Бу шаҳарлар энди қўшни давлатлар Чоч, Сўғд, Уструшонлар билан алоқаларда; деҳқончи, кўчманчи чорвадорлар билан муносабатларда ўзига хос воситачилик вазифаларини ҳам бажарганлар.

Саккизинчи аср бошлари ва иккинчи ярмидан эътиборан шаҳарлар тараққиётида араб истилоси таъсири яққол сезилади. Араблар Ўрта Осиё ҳудудига бостириб келган дастлабки пайтларда феодал муносабатлар пайдо бўлган кўплаб шаҳарларга дуч келадилар. Бу жараён билан араблар албатта ҳисоблашини мажбур эдилар. 8—9-асрларда арабларга тобе бўлган кўплаб ҳудудларда феодал муносабатлар ривожланиши тезлашади.

9-асрдан бошлаб урбанизация жараёнида ва шаҳарлар ўзига хос юксалиш ва инқироз, урушлар ва босқинчиликлар, фан ва маданиятни юксалиш ва инқироз давлари бўлиб ўтди. 9—19-асрлардаги ана шундай ривожланиш босқинчиларини бошидан кечирган шаҳарлар қаторига Андижон (Андукон), Қува (Қуба), Узган (Уздженд), Ахсенкент, Поп (Баб, Паб), Хўжанд, Уш, Наеробод, Қосон, Риштон, Қўқон (Хваканд), Эски Наукат (Наукад), Марғилон (Маргинон) каби ҳозиргача мавжуд шаҳарлар киради. Ушбу шаҳарларини деярли барчасида ўрта асрларда ўз таъғаларини зарб этганлар, қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари қилганлар. Ушбу шаҳарлар ўз тузилишларида анъанвий феодал шаҳарларга хос уч қисмдан иборат бўлганлар:

1. Арк ёки кухендиз;

2. Шаҳристан ёки арабчасига медина. Бошқачасига «ички шаҳар» деса ҳам бўлади.

3. Робод, шаҳарни яқин атрофи деб қаралса ҳам бўлади. Асосан ҳунармандлар яшаб меҳнат қиладиган жой.

Фарғона қолаверса умуман Ўрта Осиё шаҳарлари учун бир таъкидланарли жойи бор. Деярли кўпгина ўрта аср ёки кейинги давр шаҳарлари қадимги шаҳар ўрнида ёки бўлмаса ёнгинасида бунёд этилган, улар ҳозирги кунларгача бор. Аркларда араблар истилоси даврида ҳам ҳаёт қайнаган. Бир оз вақт ўтиши билан шаҳарлардаги ҳаёт шаҳристонларга кучади ҳатто баъзиларида рободлар майдони ҳам шаҳристонларга қўшиб олинади. Бу жараён жуда узоқ деярли чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олгуна қадар давом этган. Шундан кейингина «эски шаҳар» ва «янги шаҳар» тушунчалари пайдо бўлади. Ана шундай шаҳарлар қаторига Андижон, Хўжант, Ўзган, Қосон кабиларни олиш мумкин. Бу шаҳарлар ўрта асрлар давомида ҳар хил сабабларга кўра хроблашиб кичрайиб кетганлар, айримларида ҳаёт тўхтаган, қолганларида эса шаҳар ҳаёти ҳозир ҳам давом этмоқда.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, айниқса қазиб ўрганилган Фарғона ёдгорликлари учун қуйидаги шаҳар элементлари аниқланади:

1. Қазиб очилаётган ёдгорликни ўлчамлари йирик бўлади;

2. Мукамал мудофаа тизими бор;

3. Албатта арк, кейинроқ ҳоким ўрдаси бўлади;

4. Атрофдаги деҳқончилик ҳудудлари учун ўзига хос марказ ролини бажаради;

5. Ҳунармандчилик маркази бўлиши билан бирга савдо-сотиқ, товар айирбошлаш маркази ҳисобланади.

Демак, бизлар кейинги саҳифаларда ҳикоя қилмоқчи бўлган шаҳарлар ва шу кунларгача мавжуд шаҳарлар 2500—2700 йиллик узоқ тарихий йўлни босиб ўтдилар. Булар қуйидаги тараққиёт босқичларидир:

1. Шаҳар типдаги йирик аҳоли пунктлари ёки илк шаҳарлар;

(эрадан илгариги икки минггинчи йил охирлари — бир минггинчи йил бошлари).

2. Архаик давр шаҳарлари (эрадан илгариги 6—4 асрлар);

3. Антик давр шаҳарлари (эрадан илгариги 4-асрлари);

4. Илк ўрта аср шаҳарлари (эрадан 5—8-асрлари);

5. Ўрта ва сўнгги ўрта асрлар шаҳарлари (9—19 асрлар);

6. Ҳозирги шаҳарлар.

ҚАДИМ ВА ЎРТА АСРЛАРДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЁҚАСИДАГИ ШАҲАРЛАР

Инсоният қадим қадим замонлардан минг йиллар мобайнида ўзаро савдо, маданий, иқтисодий ёки лўнда қилиб айтганда қўшничилик алоқалари олиб борган. Бу алоқалар натижасида кўпдан-кўп халқлар бир бирлари билан доимий мулоқотда бўлганлар: мол-товар айирбош қилинган, маданий, иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкор бўлганлар. Бунинг учун улар савдо-сотик алоқаларига мўлжаллаб қулай ва қисқа йўллар очганлар. Бу йўллар жуғрофий омиллар таъсирида қуруқликдан ёки сув орқали амалга оширилган. Ҳар бир даврни йўллари у ёки бу нарсани кўпроқ савдосига қараб «ихтисослашган» бўлади. Тарихдан «кумуш йўл», «ложувард йўл»,

«Ипак йўли» деб аталган йўллар маълум. Жумладан кумуш йўлини олсак. Бу 10-аср биринчи ярмида Боғдод (Ироқ)дан Европага аниқроғи Волгабўйи Булғор подшолигигача бўлган йўл. Товар айирбошлашда ўша давр (сомонийлар)да зарб қилинган кумуш дирҳамлар асосий роль ўйнаган. Шунинг учун бўлса керак Урта Осиёдагига нисбатан қадимги Русь ерларидан кўпроқ дирҳам танга хазиналари топилган. Кумуш дирҳамларни савдо-сотиқдаги бунчалик аҳамиятига нисбат қилиниб ушбу йўл кумуш йўли деб аталган. Ушбу йўлдан савдо карвонлари биринчи бор араб сайёҳи Аҳмад Ибн-Фадлан ибн Аббос бошчилигида юқорида эслатиб ўтилганидек 10-аср биринчи ярмида ўтган.

Ниҳоят ҳозирда кундалик матбуотда тез-тез тилга олинаётган ва тарихда «Ипак йўли» ёки «Буюк Ипак йўли» деб ном олган халқаро савдо йўли ҳақида. Ушбу йўл узоқ тарихга эга бўлсада уни «Ипак йўли» деб номланиши биринчи марта 19-асрда немис олими Фердинан фон Рихтгофен томонидан қўлланилган. Бу савдо йўли Хитойни ғарб мамлакатлари, Урта Ер денгизи ва Рим империяси билан боғлашга мўлжалланган эди. Яъни кунчиқар мамлакатлари билан кунботар юртлари қарайиб 700 кмлик йўл орқали боғланган эди. Ушбу халқаро савдо йўли Хитойни Сиань деган жойидан бошланган ва Дунхуан аҳоли пунктида иккига бўлинган. Яъни шимоллий ва жанубий йўлга ажралиб, биринчиси шимоллий ғарбга, иккинчиси жанубий-ғарбга томон йўналган эди. Ниҳоят, ҳар икки йўл, бири Термез томондан келган бонқаси Чоч (Тошкент)дан келган карвонлар кўҳна Турон маркази Самарқандда яна ягона йўл бўлиб бирлашган. Яна бир печа минг чақирим йўл юрилиб Туркиянинг Истанбул шаҳрига борган (2-сурат).

Хитой манбаларида Шимолий йўл деб тилга олинган карвон йўли асосан Қашқарни Теракдовон ва Тау Мурун довони орқали Фарғона водийси билан боғлаган, карвонлар Эргаштом—Саритош—Гулча—Уш—Андижон—Қўқон йўналиши бўйлаб ҳаракат қилганлар ва ундан бепосн кенгликларга чиқиб олганлар. Теракдовон орқали ўтган йўл қисқа бўлсада, лекин карвонлар учун жуда мураккаб йўл эди. Бу довон билан на фақат Уш шаҳрига, балким Анайку орқали Ўзганга ҳам кириб ўтса бўларди. Тау Мурун довони эса фақат ёз ойларидагина карвонлар юриши мумкин бўлган. Буюк ипак йўлининг Қашқар—Фарғона бўлаги савдо йўли сифатида узоқ вақт хизмат қилган. Тўғри уни айрим қисмлари баъзи бир тарихий вақтларда бир оз ўзгартirilгани ё қисқа қилингани, тоғлардан ўтишда довон йўллари янгиларни очилган бўлиши эҳтимол. Лекин Хитой—Фарғона йўли ўз мазмунини узоқ вақт сақлаб қолаверган, у халқаро транзит йўли эди. Масалан, 15-асрда Хитойга сафар қилган Гиёсиддин Наққош ўз кундаликларида бу йўлни қуйидаги йўналишда белгилайди: Сўкжў—Қоровул—Хўтан—Андижон довони—Андижон ва ундан бир гуруҳ Самарқандга, иккинчи гуруҳи Қоратегин ва Бадахшон йўлига кетганлар. Энг сўнгги маълумот: хонликлар даврида бу йўл Қашқар—Қўқон йўли дейилиб, карвонлар бу оралиқда 20—23 кун йўл босганлар. Баъзи маълумотларга кўра чор ҳуқумати йўлни қўриқлаш учун махсус қўшин ҳам ажратган. Лекин ушбу йўл археолог-этнографик жиҳатдан ҳали тўла-тўқис ўрганилгани йўқ. Айниқса, йўл жабҳасидаги карвонсаройлар ва тоғ доволари ёмон ўрганилган. Хуллас бу карвон йўли имкониятларидан ҳозирги кунларда ҳам бемалол фойдаланса бўлади (3-сурат). Водийдан ўтган ипак йўли масаласига келсак археологлар олиб бораётган изланишлар натижасида ушбу йўлни

икки йўналиши аниқланган: Таклиф этилаётган йўналиш йўл бўйида жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганиш натижалари асосида тикланган:

1. Қашқар⇒довондан ўтилган→Ўш⇒Мингтепа⇒Қува⇒Симтепа (Фарғона)⇒Туркистон тоғ тизмалари бўйлаб⇒Хўжант, ундан Сўгд (Самарқанд) ва Бақтрия томсиларга кетган.

2. Қашқар⇒довондан ўтилган⇒Ўзган⇒Қайновот (Учқўрғон)⇒Сирдарё ўнг қирғоғи бўйлаб⇒Қизил Жар⇒Ахсикент⇒Пәп⇒Ашт⇒ундан довои орқали Ангрени воҳасига ва Қозоғистонни бепоён даштларига чиқилган.

Юқорида кўрсатилган йўлдан узоқроқда бўлган аҳоли пунктлари иккиламчи йўллар орқали карвонлар билан боғланганлар. Улар ҳам сўзсиз ипак йўлини бир маромда ишлашига ўз ҳиссасини қўшганлар. Демак, халқаро савдо йўли ўтган ҳудудларда икки хил савдо алоқалари бўлган бўлиши керак. Биринчи, шаҳарлараро (ўлкалараро) халқаро савдо дейиш мумкин. Бунга савдо карвонлари тўхтаб ўтган шаҳар ва аҳоли пунктлари киради. Эҳтимол ўлкалардан келтирилган товарларни улгуржа савдоси бўлган. Ушбу йўлни аҳамияти катта бўлгани учун қўнамга жойларда карвонсаройлар ишлаб турган. Йўлни қалъа—қўрғонлардан туриб қўриқлаганлар, водийда уларни айримлари топиб ўрганилган. Масалан, Олой воҳасидаги Даровутқўрғон ёдгорлигини олиш мумкин. Иккинчи, маҳаллий савдо ёки чакана савдо, келтирилган мол-товарлар майда «партиялар»га бўлиб сотиладиган бозор савдоси. Бу босқичда улгуржа савдода олинган товарлар сотилади ва унда ипак йўлидан узоқроқда жойлашган аҳоли пунктлари асосий роль ўйнаганлар. Улар олиш тоғ районларидаги кўчманчи аҳоли эҳтиёжини товар-

ларга бўлган эҳтиёжнинг қондирганлар. Водийни кўп жойларидан хитой ойналарини ва тангаларини (ушу, кай юань тун бао) ёки шу каби четмол (импорт) буюмларини учрши қисман мана шу ипак йўли савдосини иккинчи босқичи билан боғланса керак...

Тарихий маълумотларга кўра Буюк ипак йўлида иккинчи ва маданий алоқалар эрадан илгариги иккинчи асрди бошланган. Айнан шу вақтда Хитойнинг Хан саройи императорлари қўшни мамлакатлар ва халқлар тўғрисида маълумотлар тўплай бошлайдилар. Айниқса бу ҳаракат илк Хан империяси тахтида 40 йил ўтирган У-ди (эрадан илгариги 141—87 йиллар яшаб ўтган) даврида кучаяди. Дастлаб Шарқий Туркистон босиб олинди. Шу вақтдан эътиборан саройда Урта Осиё хусусан Фарғона водийси тўғрисида хабарлар кела бошлайди. Бу маълумотларни кўпларини милoddан аввалги 136—125 ва 115 йилларда император У-ди томонидан юборилган Чжан Цзянь келтирган эди. Жумладан у Фарғона водийси ёки хитойчасига Да Юань (баъзида Та Юань) — Давань тўғрисида шундай деб ёзди: «Даваньликлар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик билан шуғулланадилар, шоли ва буғдой етиштирадилар. Уларда узум шароби бор... Бой-бадавлат кишилар ўн минг даньгача вино сақлайдилар. Даваньда 70 та катта ва кичик шаҳарлар бор... Аҳолиси бир неча юз минг. Армияси 60000 кишидан иборат. Хитой манбаларида эслатилган шаҳарлар ичидан помлари тилга олинганлари Ю(Ючэн), Эрши, Гуйшуань шаҳарларидир. Архсологик текширув натижаларида яна бир неча шаҳар харобалари аниқланган. Булар Хитой солномаларино деб эътироф этилаётган ва шу шаҳар қолдиги деб тахмин этилаётган Шўрабашат, Эрши деб таъин олинган Мингтепа ёдгорлиги, Баландтепа, Муг қалъа, Акси-

кент, Қува, Қайновот кабилардир. Номлри зикр этилган шаҳарлар майдони, кучли мудофаа деворлари борлиги, катта йўл бўйида жойлашгани билан уларни хитойлар санаб ўтган 70 та шаҳарлардан деб қараш мумкин. Бу шаҳарлар хронологик жиҳатдан миллоддан аввалги 4—3-асрлардан то мўғиллар истилосигача ўтган вақт ичида трих саҳнасида бўлганлар. Хўш, ипак йўли йнан шу шаҳарлар орқали ўтганми? деган савол туғилиши мумкин. Бу тўғрида манбалар ҳеч нарса демайди. Аммо Буюк ипак йўлини тармоғини водийдан ўтганлиги тарихий факт. Ҳатто бу йўл маълум йўллар ичида энг қулайи бўлган. Ёзма маълумотларда келтирилишича Фарғонага (Давань) келган бир элчини қўшни Қанғли (Тошкент) давлатига почта отлари бериб кузатиб қўйганлар. Бундан ташқари ушбу халқаро йўлдан ўтадиган элчилар гуруҳини ва савдо карвонларини озик-овқат, тилмочлар, йўл бошловчилар, от-уловни см-хашак билан таъминлашга ҳам эътибор кучли бўлган. Қуйида ана шу шаҳарлар тарихи билан боғлиқ маълумотларни китобхонларга ҳавола эта-миз.

ЮЧЕН—ШУРАБАШАТ ШАҲРИ ХАРОБАСИ

Ёзма манбалар таъкид этишича ва археологик ёдгорликларни гувоҳлик беришича Ипак йўлидаги қадимгироқ ва улканроқ шаҳар бу—Ю (баъзида Ючэн) шаҳридир. Уни қасрда жойлашгани ва қай бир шаҳар билан боғлаш фанда ҳали узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Хитой манбаларида бу шаҳар Давань давлатини шарқий чегарасида жойлашгани ҳамда ўз ҳокими бўлганлиги ва кучли деворлар билан ўралгани тўғрисида маълумотлар бор халос. Шуларга асосланиб 1924 йили Н. Г. Маллицкий, кейинроқ А. Н. Бернштам Ючэнни ҳозирги Ўзган шаҳри билан

боғлайдилар. Хитой солномалари тилга олиб ўтган ҳудудда кўп йиллар археологик қазишмалр ўтказган олим Ю. А. Заднепровский эса юқоридаги фикрини рад этади. Уни фикрича Ўзган шаҳри остидаги маданий қатламлар анча кейинги даврга таълуқли бир сўз билан Ючэн шаҳри билан боғлаш мумкин бўлган топилмалар бу ерда умуман йўқ. Лекин Ўзгандан шарқроқда бошқа йирик археологик ёдгорликлар бор, булар Шўрабашат ва Қорадарё шаҳар харобалари. Аммо булар ичида ўз территорияси катталиги, мукамал деворлар билан ўралгани ва ёзма манбалар хабар қилган даврга доир қатламлар борлиги билан Шўрабашат ажралиб туради. Шунинг учун Шўрабашатни Хитой манбаларидаги Ю шаҳрига боғлаш бизнингча тўғри бўлади.

Шўрабашат шаҳар харобаси Қирғизистон республикасининг Ўш вилоятига қарашли Ўзган районини шу номли давлат хўжалигида жойлашган. Ўзган шаҳридан 8 км шимол-ғарбда, Қорадарё irmoғи бўлмиш Ясси яқинида адирлар пойига ўрнашган. 1954 йили Ю. А. Заднепровский томонидан топилиб уч йил давомида ўрганилган. Ёдгорлик ўлчамлари жуда катта 1400×500 метр, қарайиб 70 гектар майдонни олади. Шўрабашат қурилаётганда уч қисмдан иборат қилиб тикланган (4-сурат):

1. Ҳоким яшаган арк қисми. Уни ўрни тўртбурчак тарҳга эга бўлиб ёдгорликни шарқий қисмини эгаллаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу ёдгорликни иккинчи номини Тўрткўл ҳозирча фақат айлана деворлар қолган халос. Ўртадаги бинолар бузилиб кетган. Бизнингча Тўрткўлни марказидаги салаанд тепаликда бирор муҳим бино қурилган бўлиши керак. Сабаб, тепани бир қисми ковлаб очилганда деярли тўрт метрли тагкурси (платформа) қолди-

ғи очилди. Тўрт метрли тагкурсига албатта оддий яшаш жойи қурилмаса керак.

2. Асосий турар-жойлар ўрни. Бу қисм кўпчилик аҳоли истиқомат қилган территория бўлши керак. Асосий бинолар қолдиғи ва топиламалар ёдгорликни шу жойидан аниқланган.

3. Панагоҳ ёки атрофдаги аҳолига ташқаридан хавф туғилса жон сақлайдиган макон. Ҳар учала қисм мудрофаа деворлари билан ҳимоя қилинган. Юқорида тилга олдикки, 70 гектар майдон ўралган, бир неча ҳимоя чизиғи таркиб топган. Аркни қўлга киритиш учун ганим камида учта мудрофаа тўсиғини ёриб ўтиши керак эди. Бу жиҳатдан Хитой солномаларидаги хусусан Цяньханшу (эрамизни биринчи асрлари) ю шаҳрини хитой қўшинлари шиддатли ҳужум қилиб олдилар деб ёзади. Демак, хитойларни Давань ички районларига кираверишидаги йирик шаҳар Ю (Шўрабашат) шаҳри эди. Кейинги маълумотларга кўра шаҳар ўрнида милоддан аввалги 6-4 асрларга оид аҳоли пункти шакллана борган. Дастлаб арк кейин эса асосий яшаш жойи қурилиб шаҳар ғарбга томон кенгайиб бораверган. Шўрабашат ёдгорлигини моддий маданияти намуналаридан бўяб гул солинган сополларни эслатиб ўтиш жоиздир. Чунки бундай сополлар бошқа ерларда учрамайди. Фақат кейинги даврдаги археологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўляптики, Шўрабашат сополларига ўхшаш сополлар Шарқий Туркистонда (Синцянь) аниқланган. Бунарсан Фарғона ва Хитой муносабатлари ёзма манбалар қайд этган вақтдан ҳам илгарироқ бўлганлигини кўрсатади.

ЭРШИ — МИНГТЕПА ШАҲРИ ҚОЛДИҚЛАРИ

Уша бизлар тилга олган Хитой солномалари Давань пойтахти Эрши шаҳри эканлигини ҳабар бера-

дилар, ҳамда бу шаҳар ажойиб тулпорлар боқили-
шини, улар беркитилиб Хитой элчисига беришни
ҳоҳламаганликлари эътироф этилган. Яна ўша ман-
баларга кўра император У-ди тулпорларни олиш
мақсадда Давань подшоесига қимматбаҳо совғалар
жўнатади. Улар ичида 1000 чин (оғирлик бирлиги)
6 олтин ва олтиндан ясалган тулпор ҳайкалчаси бор
эди. Бизни ҳисоб китобларга кўра Даваньга келти-
рилган совғалардаги тилланинг оғирлиги 200-500
килограмм атрофида бўлган. Ана шундай совғани
олиб элчи Че Лин Даваньга келган. Лекин Давань-
ликлар аргументларни хитойликларга беришдан бош
тортганлар. Устига устак Давань оқсоқоллари ке-
нгаш билан бўлган музокара пайтида элчи «олтин
от» ҳайкалчасини жаҳд билан суриб йиқитиб юбо-
риб чиқиб кетади. Муқаддас отга нисбатан қилин-
ган бундай ҳақорат учун Давань ҳукмдори буйруғи
билан элчи юқорида тилга олинган Ю шаҳри яқи-
нида қўлга олиниб калласи танасидан жудо этилган.
Ҳазабланган император даваньликларни таъзирини
бериб қўйиш учун Ли Гуанли қўмондонлигида икки
марта ҳарбий юрши ташкил этади. Биринчи юрши
милоддан аввалги 104-102 йиллари амалга ошири-
лади. Хитойликлар Даваньнинг ҳарбий қудратини
менсимай 3000 отлик билан бостириб келадилар.
Натижада мағлубиятга учрайдилар. Иккинчи юрши-
га (эрадан илгарги 101-99 йиллар) пухта тайёргар-
лик кўрилган. 60 минг аскарга озик-овқат, қуро-
ляроғ етказиб бериш ва бошқа хизматлар учун 100
мингдан ортиқ хўкиз, 30 минг от, 10 минг эшак, ха-
чир, туялар ажратилган. Хан империяси ҳарбийла-
ри яхши қуролангандилар, уларда амалий жанг
қилиш қўникмаси юқори эди. Бош шаҳар Эрши 40
кун қамал қилинган, лекин шаҳар аҳолиси таслим

бўлмаган, мардонавор қаршилик кўрсатади. Шунда Лу Гуанли айёрлик ва ёвузлик билан шаҳарга келадиган сувни ташқаридан ёниб қўйган, шаҳар сувсиз қолган. Ташқи девор бузилган, кўнгиша оқсоқоллар асир олинган. Шунга қарамай асосий қием — ички шаҳар подшо Мугуа бошчилигида таслим бўлмаган. Асирга олинган оқсоқоллар кенгаши аъзолари Хитой кўмондонига сулҳ таклиф этадилар. Яъни агарда Ли Гуанли урушни тўхтатса талаб этилган машҳур отлардан берилади, армияси озик-овқат билан таъминланади. Акс ҳолда ҳамма отлар қириб ташланади. Хитой армияси кўмондонлиги вазиятни тўғри баҳолаб юқоридаги шартларга рози бўлади. Чунки даваньликларга қўшни Қангли давлатидан катта ёрдам келмоқда эди. Шундай қилиб император армияси бир неча арғумоқ ва 3000 бия билан Хитойга қайтади. Давань — Фарғона таслим бўлмайди, бир оз вақт ўтгани биланоқ, Хан саройи билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида алоқалар бошланган. Чунки Хитой солиналарида Даваньни узоқ вақт маҳаллий ҳукмдорлар бошқаргани тўғрисида маълумотлар бор: Мугуа, баъзида Угу, Чан Фин, Яньлю, Хўш, уша машҳур отлар макони Эрши шаҳри қаерда жойлашган? ва ҳозирги қай бир археологик ёдгорлик билан боғлаш мумкин?

Дастлаб, хитойшунос Н. Я. Бичурин Эрши бу Қўқон шаҳри бўлиши керак деган фикрини олға суради. Лекин шу вақтгача Қўқон ва уни атрофидан ўша ёзма манбалар хабар берган майдони ва белгилари тўғри келадиган каттароқ археологик ёдгорлик топилгани йўқ. Қолаверса эраминини бошларига оид Эрши каби йирик шаҳарга таққослаш мумкин бўлган йирик аҳоли пункти тўғрисида гап бўлиши ҳам ҳақиқатга зиддир.

Яна бир хитойшунос, археолог олим А. Н. Беринтам Эрши ва уни жойлашган ўрни ҳақида анча жўяли фикрни билдиради. Яъни, археологик материалларни ёзма манбалар билан боғлаб Эрши — бу ҳозирги Андижон вилояти Марҳамат тумани маркази яқинидаги Мингтепа харобалари қолдирдир деган хулосага келади. (5-сурат). Бу ғоя ўшанда ҳам ҳозир ҳам кўнчилик олимлар томонидан қўллаб қувватлаганлар. Нима учун деган савол келиб чиқади. Биринчидан, манбаларда тилга олинган Эрши жуғрофий жиҳатдан Фарғона водийсини шарқий қисмида жойлашган бўлиши керак. Иккинчидан, Мингтепа кучли мудофаа системасига эга, майдони ҳам катта. Учинчидан, Мингтепачалик улуғвор ёдгорлик ҳозирча водийни бошқа ерида топилгани йўқ. Буларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, хитойлар мақтаб таъриф берган «дулдул отлар» тасвири Аровон-Ўш йўли яқинидаги қоя тошларга солинган (6-сурат). Бу тасвирлар худди Эрши гуллаб яшнаган яъни эрадан илгариги 2-1-асрлар ва янги эрани бошларига тўғри келади ва Мингтепа жуда яқин. Албатта бу расмлар бежиз ишланмаган бўлса керак. Демак, наъний хулосаларни кўни Мингтепани қадимги Эрши деб тан олади.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қидирув ишлари ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқламақда. Хусусан А. Н. Беринтам, Ю. А. Заднепровский ва Б. Матбобоевлар олиб борган ишлар шунини кўрсатдики Мингтепа кучли мудофаа системасига эга бўлган. Шаҳар ҳимояси ҳақида гап кетганда ёдгорликни 40-йиллардаги режасини эслатиб ўтти жонз деб ўйлаймиз Унда шаҳар арки икки қатор девор билан ўралган қайд этилган, худди Шўрабашат ўхшаб ички ва ташқи шаҳардан иборат бўлган. Ҳозир Мингтепани аркини бир бўлаги билан ички

шаҳар қисми сақланган уни ҳам ичкари майдони бутунлай бузиб ташланган. Бизлар 1986 йили мудофаа деворининг ғарбий томонидаги буржларидан кузатув миноралари бирини қазиб очдик. Қурилиш материаллари пахса ва катта ўлчамли хом ғиштлардан иборат эди. Кузатув минорасининг узунлиги 18 метр, эни 9 метр, баландлиги 8 метрга тўғри келади. Шу вақтгача Фарғона водийсида бундай маҳобали кузатув минораси биринчи марта топилшидир. Минорага туташ бўлган мудофаа деворининг остки қисми қалинлиги 5 метр, устки қисминики бўлса 3 метр. Девор ва кузатув минораси қаддининг ҳозирги даврдаги сақланиб қолгани шунча бўлса, 2 минг йил муқаддам бу мудофаа иншооти нақадар ҳайбатли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Кузатув минорасининг (буржнинг) ўрта қисмида узунлиги 6,5 м., эни 2,7 метрли хона аниқланди. Ушбу хонани тенг ярминини тўлалигича очиб кўрилганда уни жанубий деворида тўртбурчакли шинак (ўқ отиш учун мўлжалланган туйнуқча) бор эди. Ўзига хос бундай мосламалар Мингтепа шаҳар-қалъасининг бошқа буржларида ҳам бўлгани шубҳасиздир. Бизнингча бурж икки қаватли бўлган, бизга эса уни қуйи қаватли стиб келган. Бундай дейишимизга сабаб 3—3,2 метр баландликда тўсин-ёғоч ўрни сақланиб қолган эди. Демак, буржнинг юқори қаватли ёни атрофни доимий кузатиш учун, пастки хона эса шинаклардан ўқ отиб тўғридан келаётган душманини даф қилишга хизмат қилган.

Хуллас, Мингтепа мудофаа деворлари ўз қурилиши, тузилиши жиҳатидан бизга маълум бўлган иншоотлар ичида тубдан ажралиб туради. Уни стратегик аҳамиятнинг ошириш учун девор олд томонидан махсус ариқ-зовур ўтказилган. Бу нарса ёвни деворни ишғол қилишини янада мушкуллаштирган. Мингтепа шаҳар—қўрғони деворларидан узоқ вақт фой-

даланилган. Буни девор ва уни буржларидаги таъмир ишлари ва шаҳар ҳаётининг охири пайтида бурж ичи тупроқ билан тўлдирилгани кўрсатиб турибди. Энди буржни фақат устки қисмидан турилиб ён атроф кузатишган. Буни ўша бурж энг юқори қатламларига онд кул қатлами қолдиқлари ҳамда икки жойда аниқланган муштдек тош уюми далил бўла олади. Фарғона водийсидаги йирик шаҳар Мингтепа — Эршини жуда мустаҳкам мудофаа иншооти билан ўралганини Хитой солномалари кўп таъкид этганлар. Жумладан юқорида эслатишган Ли Гуанли қўшинлари Эршини 40 кун қамал қилишиб фақат ташқи деворни буза олганлар халос. (У девор ҳозир йўқ қилиб юборилган). Ички девор ва шаҳарни хитойликлар қўлга ола олмаганлар. Ли Гуанли қўшинлари забт эта олмаган ички шаҳар ва ундаги арк тўғрисида нима дейиш мумкин? Ички шаҳар кучли қўриқланган: икки қатор ҳимоя деворлари билан ўралган эди. Лекин Мингтепа арки ва уни атрофидаги қурилишлар ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Арк ўрнида фақат бир тепалик сақланган. 1986—1987 йиллари худди мана шу тепалик текшириб кўрилди. Текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, арк тўрт марта бузилиб тўрт марта қайта қурилган. Дастлаб бу ерда унчалик катта бўлмаган бино бўлган, уни аркка алоқаси бўлмаган. Сабаб ушбу қатламларда мезморий қолдиқлар салмоғи жуда кам. Бир оз вақт ўтгач бу қатламлар текисланиб устига хом ёшик пахсадан ва лойдан фойдаланиб жуда мустаҳкам қилиниб тагкурси бунёд этилган. Улкан пойдевор тагкурси қурилишида бир неча гуруҳни ташкил этган минглаб одамлар қатнашган бўлиши керак. Чунки ёшиклар устига бармоқлар билан турли белгилар ўйиб қолдирилган, яъни ҳар бир гуруҳ ёшигида ўзларини махсус белгилари бўлган. Тагкурси қалинлиги 5 метрга боради. Бундай қалин

ва мустаҳкам тагкурси устига ўз-ўзидан аёнки ҳашаматли бино қурилган бўлади. Қолаверса булар аниқлаган тагкурсининг жанубий қирғоғи шаклдор қилиб қурилган. Демак, биринчидан, арк биноси остидаги тагкурси баланд кўтарилган, иккинчидан ҳатто уш ташқи томонига ҳам шаклли қилиб ҳашам берилган. Булар ҳаммаси икки қават девор билан мустаҳкамланган ички шаҳардаги маҳобатли бино қолдиқларидан далолат бермоқда. Ҳозирча худди шу ердан ўлчамлари анча йирик бўлган (7,1×8,2 метр) хона ва унга яқин турган иккита зални эслатадиган хоналар ковлаб очилди. Марказий бинони ташқари томонидан кейинча қўшимча қилиниб тирак (тиргак) қилинган. Бу сейсмик қурилманинг қуйи қисми паҳса юқориси қалин лой билан урилган ғиштлардан тикланган. Марказий бинони ён атрофидаги кичикроқ ўлчамдаги бинолар эса бизнингча ёрдамчи хоналар бўлиши керак, чунки бу хоналарда ўчоқ, сопол парчалари ва 200 дан ортиқ муштдек-муштдек тош тўплами топилди. Марказий бинони жануби-ғарб томонида ўзига хос даҳлсиз взифасини бжарган, усти ровоқ қилиб ёпилган зал аниқланди. Зал полдан арк шифтигача бўлган масофа 2,5 метрдан ортади, эни 3 метр. Қарангки фақат пиширилган лой ва хом ғиштлар ёрдамида шундай катта хона ровоқ-гумбазсимон қилиб ёпилган. Бу нарсаяждодларимизни маҳорати ва қурилиш техникаси юксак эканлигидан далолатдир.

Юқоридаги барча фикрларни мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки Мингтепа ёки Эрши узоқ вақт давомида маълум бир режа асосида (тўғри тўртбурчакли) кучли мудофаа деворлари билан қурилган. Ўзининг йўл бўйида жойлашгани, деҳқончилиги ва ҳунармандчилиги ривожланган давлатни (давань) пойтахти бўлгани ушбу шаҳарни ипак йўли алоқа-

ларида фаол қатнашганидан далолат беради. Ҳали бу улкан шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганншдек улуғ вазифалар олдимизда турибди. Энг муҳими шаҳарларнинг чинакам тарихий номини тиклаб ҳозирги Марҳаматни, Эрши, ёки Мингтепа деб номлаиниш ниҳоятда долзарб вазифадир.

БАЛАНДТЕПА—БАБ (ПОП) ШАҲРИ

Ўрта асрларда яшаб ўтган жуғрофлар Вағизий вилоятидаги (Шимолий Фарғона) бир неча шаҳарларни номларини қолдирганлар. Булар Ахсиқент, Касан, Баб, Ашт, Тисхан, Джидгиль ва бошқалар. Ушбу шаҳарлар ўрнида ҳозиргача йирик аҳоли пунктлари ёки шаҳарлар бор. Ана шулардан бири туман маркази ҳисобланмиш Поп шаҳридир.⁷ Ўрта асрлардаги Поп шаҳри ҳозирги туман маркази билан боғланади. Лекин ундан олдин мавжуд бўлган Поп шаҳри ўрни баъзи манбаларда жумладан Ўзбек Совет энциклопедиясини 9-жилдида нотўғри кўрсатилаган. Бунга сабаб бизнингча қадимги Поп шаҳрини археологик жиҳатдан старли ўрганилмагани бўлиши керак.

Бизни 1987 йилдан буён ҳозирги Поп атрофидаги бир неча ёдгорликда (Баландтепа, Мунчоқтепа—Айртон, Қирқ Хужра), текширув-қазув ишлари олиб бормоқдамиз. Бу ёдгорликлар милодий эрадан олдинги эранинг охирларидан то 13—14-асрларгача бўлган даврга таълуқли. Поп қадимги даври учун Баландтепадаги қазншма ишлари муҳимдир. Қазншмалар шаҳар қолднғининг турли жойларида олиб борилди. Археологик — топографик тадқиқотлар натижасида 1987—1992 йиллари шаҳарни қуйидаги таркибий қисмлари аниқланди:

1. Арк. Бу қисм текширишлар кўрсатишича Ба-

ландтепани ажралиб турувчи ва мудофаа деворлари билан ўралган жанубий-ғарб томони ҳисобланади. Кўп қисмини Сирдарё ювиб бузиб юборган.

2. Ички шаҳар. Баландтепани шимол ва шимол-ғарб томонидаги жой. Мудофаа деворлари тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ, уни излари ҳалигача топилмади. Бу ердан ҳозирча қулолчилик маркази сопол пиширувчи ҳумдонни билан қазиб очилди. Бу марказ бизнингча шаҳар ва уни атрофини қулолчилик маҳсулотларига талабини қондирган. Умуман ушбу территориядан кўплаб ишлаб чиқариш билан боғлиқ топилмалар ер бетига чиқиб ётибди: тошқол, чала куйган сопол парчалари ва бошқалар.

3. Шаҳар атрофи.⁶ Маҳаллий аҳоли Айртом шаҳри деб ҳам атайди. Бу ҳозирги Баландтепани шимол ва ғарб томонлари, «Кровля» кооперативини ёшишт заводи ўриндир.

4. Шаҳар қабриstonи. Маҳаллий халқ Мунчоқтепа деб атайди, аслида Айртош шаҳри ёдгорлигинини бир қисми ҳисобланади.

Юқориди биз тўхталган шаҳар тарқибий қисмлари даврий жиҳатдан бир вақтга тўғри келмайди. Жумладан, арк ва ички шаҳардан энг қадимги маданий қатламлар ва топилмалар аниқланди. Аркда энг қадимги қатламлар аниқланган жой — эрамизни дастлабки асрларига онд топилмалар чиқди. Эрамизни 6—7-асрларидан арк ва ички шаҳарда ҳаёт қайнаган. Бу вақтга келиб арк майдонни 6 гектарга борган. Эгаллаган майдонни жиҳатидан Баландтепа (Арк ва уни атрофи) водийни ушбу қисмидаги Муғ қалъа ва Ахенкентдан ҳам каттадир. Қолаверса ўша жойларда текширилиш олиб борган тадқиқотчилар ердан илгариги тўртинчи ва эрамизни ҳам тўртинчи-

чи асрлари; эраминин бешинчи ва еттинчи асрлари материаллари Муғ қалъа ва Ахсикиентда камроқ учрашини таъкид этганлар. Ушбулардан келиб чиқиб бемалол айтиш мумкинки, Баландтепа ҳозирги Поп шаҳрининг қадимги ўзағидир. Поп Қамчиқ довоини яқинидаги водийни биринчи катта шаҳри, карвон ва савдо йўлларидаги муҳим стратегик пункт эди. Бу фикрни шаҳар қабристонидан (Мунчоқтепа) аниқланган топилмалар тасдиқламоқда. Шаҳар қабристонидан махсус ер остига ковлаб қурилган сағаналарда қамиш тобутларга солиб кўмилган марҳумлар топилди. Улар билан бирга ипак, пахта, жун матолар; қурол-яроғлар; озик-овқатлар; меҳнат қуроллари кўшиб-кўмилган эди. Улар орасида хитой ипаги ва тангалари, баъзи бир четмол (импорт)лар диққатга моликдир.

Кўҳна ПОП археологлар учун чинакам ҳазинадир. 1988 йили археолог Абдулҳамид Анорбоев бошчилигида қўлга киритилган топилма барчани ҳайратга солди. Исломгача, яъни V—VII асрларга оид қамиш тобутлар топилиши, бу ердаги ерли аҳолида кўмиш маросимини ўзига ҳос бўлганини кўрсатди. Қамиш тобутда мурда билан қўйилган турли буюмларни текшириш оқибатида Сўғд ва Чоч маданиятининг таъсири кучли бўлганини исботламоқда. Қазилмалар орасида ингичка толали пахта ўқ-ёй ўша даврдаги мусиқа маданиятидан далолат берувчи мураккаб йиғма най, кетмон дастаси, этик қолипи ва кўнлаб рўзгор буюмлари бор.

Шаҳарни кейинги ривожини 9—13 аср бошлари Айртот шаҳри харобаси билан боғлиқ. Бу ердан шаҳар водопровод қолдиги (хубурлар) ва темир эритадиган ҳумдонлар чиқди. Худди шу даврда араб манбалари бўйича Баб(Паб) шаҳридан Ахсикиент

жанубий Фарғона билан боғловчи йўл ўтган. Шаҳарни кейинги даврда аста секки ҳозирги туман марказини жанубий чегарасигача кенгайтиб бораверган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилга олган Поп қалъаси шу атрофда бўлган бўлиши керак.

Демак, ҳозирги туман маркази Поп дастлаб Сирдарё ўнг қирғоғидаги Баладтена ўрнида, кейинчалик Айртон шаҳри деб аталувчи ёдгорлик билан боғланган. Археологик маълумотларга кўра ҳозирги Поп қарийб 2000 йиллик тарихга эгадир.

ГУЙШУАНЬ-ГҲЕСАЙ ДАВАННИНГ

ПОЙТАХТИ

Хитой манбаларида Гуйшуань, Гйссай номлари билан қайд этилган шаҳар Давань (Фарғона) давлатини пойтахти бўлган. Тарихдан маълумки 627 — 649 йиллари Фарғонани турклар эгаллаганлар, уни шимолий қисмига ғарбий турк сулоласи вакили Ашина Шунн ҳоким бўлади. Хитой ёзма манбаларини хабар беришича ўша Ашена Шунн ўлиmidан кейин уни ўғли Пебожчи тахтга ўтирган, қароргоҳ Гйссай шаҳрида бўлган. Хўш, Даван пойтахти Гуйшуань ёки кейинроқ Гйссай Шимолий Фарғонани қаерига жойланган? Бу савол узоқ вақтдан бери олимлар диққатини тўрттиб келмоқда ва ушбу масала ҳалигача узил-кесил ҳал этилганча йўқ.

Бу шаҳарни 1909 йили академик В. В. Бартольд ҳозирги Наманган вилоятининг Қосонсой шаҳри яқинидаги Муғ қалъа билан боғлайди. Академик ўз фикрини Хитой манбаларининг «Лопа (Даваньни кейинги номи) - - қадимги Давань ҳокимлиги, қароргоҳ Гуйшуань» деган маълумот билан неботлайди. Бу гоёин А. Н. Бернштам археологик маълумотлар би-

лаи тўлдириб янада ривожлантирди, Муғ тепадан Давань даврига онд бир неча тошломаларни аниқлади. Бу фикрни профессор Ю. А. Заднепровский ҳам қўллагандай бўлади, Яъни Гуйшуань --- бу ҳозирги Косонсой шаҳри яқинидаги Муғтепа харобасидир дейди. Лекин ҳар икки олим ҳам Давань давлатини енисий пойтахти Эрини бўлган бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Лекин бундан Фарғонани бир вақтин ўзида иккита пойтахти бўлган эканда деган савол пайдо бўлади. Агар тарихий хабарларга таянсақ эрадан илгариги иккинчи асрда Давань пойтахти Эрини, бир оз кейин эрадан илгариги биринчи асрда пойтахт Гуйшуань шаҳри бўлиб қолади. Буни қандай тушиниши керак ё ёзма маълумотларда чалқанилик бормикан? Йўқ, бу ҳолат тарихий ҳақиқатга зил келмайди. Сабаб баъзи бир Шарқ мамлакатларида ёзги ва қишки пойтахтлар бўлгани маълум. Мисол учун, қўшни Қангли давлатида , (эрадан илгариги иккинчи ва эраминги бешинчи аср ўрталари) ёзги -- Фаньэй, қишки Битянь шаҳарларида пойтахт бўлган. Демак иккита пойтахт бўлиши мумкин экан, лекин Гуйшуань деб таҳмин қилинаётган Муғ қалъаси унчалик катта эмас. Агарда Муғ харобасини диққат билан кўздан кечирсак, у кўпроқ мустаҳкамланган қалъа-қўрғонини эслатади. Маҳаллий аҳолини ёдгорликни Муғ қалъа деб аташи ҳам бежиз эмасга ўхшайди! Эҳтимол Хитой солиномалари базарда тутган шаҳар Шимолий Фарғонани бошқа бирор ерида жойлашгандир. Ушбу сатрлар муаллифларидан бири Гуйшуань--Гйссай шаҳрини ўрини Шимолий Фарғонани бошқа еридан излаш керак деб ҳисоблайди. Ҳали тадқиқ этилмаган, кўналари бузиб ташланган ана шундай бир неча археологик ёдгорлик бор. Булар қаторига бизлар Тўрақўрғон тумани Шовоқ қишлоғи яқинидаги Мунчоқтепа ёдгорлигини қирин-

тамиз. У Косонсойни Сирдарёга қўйиллиш ерида ўр-
нашган, 100 гектарди ортиқ майдонни эгаллайди.
Лекин ҳозирги кунда текисланиб пахта экинб юборил-
ган йирик ёдгорликдир. Уша жойда текширув олиб
борган олим, тарих фаълари номзоди Муҳаммад-
жон ака Исомиддинов гувоҳлик беришича пахта да-
лалари ва ён атрофдан минглаб; юз минглаб сопол
парчалари, юзлаб ёрғучоқ, тегирмон тош сочиллиб
ётибди. Топилмалар Мунчоқтепани эрамиз бошлари
ва илк ўрта асрларга онд эканлигини кўрсатмоқда.
Албатта буичалик жойни (100 га) эгаллаган ёдгор-
лик водий тарихида ўз ўрнига эга бўлган бўлиши
керак. Қолаверса жугрофий жиҳатдан жуда қулай
ерда — икки дарё оралиғидаги ҳудудга ўрнашган.
Бизлар Тўрақўрғон туманидаги Мунчоқтепани ман-
балар тилга олган Гуйшуань—Гйссай ўрни бўлиши
керак деган фикрини ўртага ташлаймиз. Албатта бу-
ни тўғри ё нотўғри эканлигини келажак тадқиқот-
лар кўрсатади.

МУҒ ҚАЛЪАСИ

Муғ тепа Косонсой шаҳри яқинида жойлашган,
майдони унчалик катта эмас (8-сурат). Ёдгорлик
икки қисмдан иборат: арк (қўрғон) ва шаҳристон.
Ҳар иккала қисмин ҳам кузатув миноралари билан
таъминланган мудофаа девори ўраб туради. Бу ер-
да айтарли кенг кўламда текширув ишлари олиб
борилгани йўқ. 1948, 1982, 1990 йиллари озгина архе-
ологик қазув ишлари қилинган.

Шаҳристонни жануби-ғарб томонида арк ажра-
либ туради, эрамизни бошларига ва сўнги ўрта аср-
ларга онд материаллар топишган. Шаҳристонда қи-
дирув ишлари олиб борган тадқиқотчилар фикрича
бу жой жуда усталик билан ҳимоя қилинган. Яъни
душман ҳужуми кутиладиган томон қўшимча девор

билан мустаҳкамланган. Бу нарса ганимларни ҳар иккала мудофаа деворидан туриб бемалол қайтариш имконини берган. Чунки шаҳар дарвозаси шу жойда бўлиб, агар душман шаҳар дарвозасидан кирган тақдирда ҳам ичкарига ўта олмас эди ва ўзига хос «қопқонга» тушарди.

Қўрғон қисми шаҳристондан бир оз кейинроқ қурилган экан. Буни шу ердан топилган ашёлар ва қўрғон девори тузилиши тасдиқлайди. Қўрғон қисми ўрганилганда у ерда бино қурилиш қолдиқлари жуда ҳам сийраклиги аниқланган. Бу нарса археолог олимларда қўрғонни нотинч даврда ўзига хос панагоҳ сифатида фойдаланилган деган фикрни айтишга асос бўлмоқда. Чунки қўрғон яхшигина ҳимоя қилинган, ҳарбий хийла билан қурилган алоҳида дарвоза бўлган.

Умуман Муғ қалъаси профессор А. Н. Бернштам фикрича ўзининг жойлашиши, ўлчамлари ва кучли деворлар билан ўралгани учун уни Фарғонани ўзига хос «ҳарбий пойтахти» дейиш мумкин. Бу ерда асосан ҳарбий бошлиқлар ва аскарлар яшаган бўлиши керак. Ушбу қалъа—шаҳарга бунчалик эътибор берилишига сабаб нима экан? Сабаби, Муғ қалъа кўчманчилар билан деҳқончилар, қўшни давлатлар Сўғд ва Чоч ўртасида ўзига хос кўприк эди. Ҳозирда ҳам Муғдан Сирдарёга қараб юрилса бой, унумдор деҳқончилик воҳалари ястаниб ётади. Қарама-қарши томонда бўлса—тоғ олди ва адир зоналари бўлиб чорвачилик учун қулай ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак шаҳар моддий маданиятида (сопол ва бошқа топилмалар) Сўғдиёна ва Чоч таъсири яққол сезилиб туради. Бундан ташқари қадимги қалъа ўзида ҳам кўчманчилар ҳам деҳқонлар турмуш тарзини ҳам мужассамлаштирган.

Шаҳар—қалъа албатта ҳозирги Косонсой, баъзида Косон шаҳри тарихи билан чамбарчас боғланган. Ундаги милоддан аввалги аср охирларига онд қатламлар кам учрайди. Юқорида айтилган туркларни Фарғонага келиши арафасидаги Муғ қалъа—Косонда ҳаёт сусти бўлганга ўхшайди, материаллар жуда кам. Арабларни Фарғонага келиши арафасида тарихий маълумотларга кўра Косон водийни пойтахти бўлган. Буни Хитой солномалари хусусан Таншу, Косонни Фарғонанинг асосий шаҳри деб таъкидлайди. Яна Ўрта Осиёга келган Хитойлик сайёҳ Сюан Цзянь (629—648 йиллари) сўзларига қараганда Косон атрофи узунлиги 4 ли (хитой ўлчов бирлиги 1 ли ҳозирги 0,3 км.га тенг) бўлган. Арабларни 8—9 аср бошларидаги босқинчилик юришлари оқибатида Муғ қалъада ҳаёт тўхтайдди. Аҳоли бизнингча, ҳозирги шаҳар — Косонсой ўрнига келиб ўрнаша бошлайди. Косон тарихидаги мажбурий узилш уни кейинги тарихига таъсир қила олмайди, шаҳар ўз мавқеини аста-секин тиклай бошлайди. Қорахонийлар даврида ажойиб меъморий иншоотлар қурилади. Шулардан бири Султон Саид Жололиддин Сомоний мақбаралар комплекси дур. (10—12-асрлар) Ҳозирги Косонсой муаллимлар билим юрти ҳовлисида ҳам сомонийлар даври гиштлари топилган. Қорахонийлар даврида Косонда пул зарбхонаси бўлган. 9-асрдан кейин Косон ўз ўрнини бошқа бир йирик шаҳар Ахсикентга бўшатиб берган. Кейинги шаҳар ҳар томонлама кучайиб кетган эди. Косон шу тариқа олдинги довуғини энди қайтара олмайди. Шундан бўлса керак Зоҳририддин Муҳаммад Бобур ўзини «Бобурнома»сида у ҳақда ёзади: «Яна бири Косондур. Ахсининг шимолида тушубтур, Кичикроқ қасабадур».

АХСИКЕНТ

Ахсикент шаҳар харобаси Сирдарё уйғ қирғоғида, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Гулқишлоқ ёнида жойлашган. Маҳаллий аҳоли ўртасида Ахси номи билан иккита ёдгорлик бор: Янги Ахси ва Эски Ахси. Янги Ахси асосан 14—16-асрлар билан боғлиқ, Эски Ахсининг шимоли-ғарбида жойлашган Эски Ахси 13-асрга, яъни мўғиллар келгунга қадар бўлган Ахсикент ҳисобланади. Биз худди шу шаҳар ҳақида бир оз тўхталамиз.

Ахсикент 19-аср охириларидан бери тарихчилар, этнографлар, шарқшунослар, ўлкашунослар ва айрим ҳарбий одамлар диққатини тортиб келган. Археологик тадқиқотлар асосан кейинги 10 йилда кенг қамровли олиб борилмоқда. А. Анорбоев, И. Аҳроров бошчилигидаги олиб борилган қидирув ишлари шаҳарни уч катта тарихий даврни босиб ўтганлиги ва шунга яраша территорияни қамраб олганлигини кўрсатди. Яъни антиқ, мўғиллар ва темурийлар даври Ахсикенти бўлган. Бошқа шаҳарлардаги каби шаҳар уч қисмдан иборат бўлган:

1. Арк.

2. Шаҳристон. Шартли равишда иккита шаҳристон бўлган дейилади. Бу кейинги пайтларда айрим баҳсларга ҳам сабаб бўлмоқда. Ахсикентда ни олиб борган Н. И. Веселовский, А. Н. Бериштам каби олимлар кейинчалик А. Анорбоев шаҳарда иккита шаҳристон бўлганини таъкид қиладилар (яъни Ахси 1а, Ахси 1б) Лекин Ахсикентда узоқ йиллар археологик қазинма олиб борган И. Аҳроров араб манбаларига таяниб бу тўғрида бошқача фикрда. У киши шаҳарда битта шаҳристон бўлган, шаҳристондаги иккинчи девор мўғиллар истилоси арафасида бунёд этилган дейди.

3. Робод.

Аркни жуда оз қисми сақланган. Сабаби Сирдарё вақтлар ўтиши билан ўз ўнг қирғоғини аста секин ювиб аркни катта қисмини бузиб юборган. Сақланиб қолган ерда И. Ахроров олиб борган қазишма натижаларига кўра қуйи қатламлар милоддан аввалги учунчи-иккинчи асрларга таълуқли бўлиб чиқди. Энг қадимги маданий қатламлар яна шаҳарни пайдо бўлишини эрадан аввалги 3-2-асрларга тўғри келади ва Ахсикент Косонсой деҳқончилик туманини маркази бўлиб хизмат қилган деган хулсага келадилар. Демак, аркда шаҳарни илк давридан бошлаб ҳаёт қайнаган. Эраминини 12-13-асрларида эса бу ерда ҳарбий бино (казарма) жойлаштирилган. Казарма хоналари алоҳида қилиб қурилган. Ҳар бир хонада ўчоқ, баъзиларида махсус суфалар топилди. Бундан ташқари айрим хоналарда катта кичик тош буюмлар чиқди, булар аркка ҳужум қилганларга отини учун қурол сифатида ишлатилган бўлиши керак. Ҳарбий бино шаҳристон билан ер ости йўли орқали боғланган. Шаҳристон майдони 30 гектарга яқин, аркнинг шимолий-шарқий томонида жойлашган. У ички ва тшқи шаҳристондан иборат бўлган ва мудофаа деворлари билан ҳимоя қилинган, ташқи шаҳристон девори баландлиги 8 метрга яқин. Шаҳристонда катта кўчалар, бозор, ҳунармандлар маҳаллалари қолдиқлари қазишма ишлари жараёнида қайд қилинган. Шаҳарда тозалikka, сув таъминоти ва бошқа коммунал хўжалик ишларига алоҳида эътибор берилган кўринади. Бунга мисол қилиб Ахсикент водопроводи қолдиқлари ва ахлат тўкишига мўлжалланган чуқур хандаклари (бадраб) слиш мумкин. Бундан қарайиб 1000 йил бурун аждодларимиз кўрган бу сув йўлидан бизлар ҳозирда ҳам ҳавас қилсак арзийди. Пишиқ гиштдан шипи

гумбозсимон махсус сополдан ясалган кубурлар ётқизилган. Ер ости йўлида бир киши бемалол юриб шундан чиққан жойларини таъмирлаши мумкин эди. Булар авлод-аждодларимизни ўрта асрлардаёқ мураккаб инженерлик иншоотлари қуришидаги маҳоратидан далолатдир.

Юқорида Шаҳристонда кўплаб ҳунармандчилик маҳаллалари бўлгани ҳақида гап борганди. Бу маҳаллаларда заргарлик, темирчилар, кулоллар истиқомат қилганлар. Ахсикент ҳунармандлари айниқса шуҳрат қозонганлар. Фарғона қадимги қора металлургияси бўйича илмий иш қилган олима О. Папахристу Ахсикент пўлати юқори ҳароратга чидайдиган ўчоқларда (хумдон) ва ўтга чидамли гил қозонларда (тигел) тайёрланган деб кўрсатмоқда. Пўлатнинг эгилувчанлик хусусиятларини ошириш йўллари ахсикентлик усталар яхши билишган, лекин сир сақлаган. Ахсикент пўлати юқори сифатли бўлгани учун кўпгина мусулмон мамлакатларида уни қадрланиб сотилгани тўғрисида 10-аср жўғрофлари ёзиб қолдирганлар. Умуман шаҳристонда ер сатҳини топографик ўрганиш натижасида иккита шаҳар дарвозаси, тўртта кўча, бозор майдони ва тўққизта шаҳар ҳовузлари жойлашган ўрнилари аниқланди.

Шаҳристон атрофини 300 гектарлик робод эгаллаган. У ерда боғлар, авом ҳалқининг уй-жойлари, коммунал хизмат бинолари қад кўтарган. Оддий уйлар ётоқхона, ошхона, омборхонадан иборат бўлиб сандал ёрдамида иситилган. Ишлатилган сув ва маший ахлатлар махсус ўраларга тўкилган. Ўралар уйлари бир чеккасига 10-12 метр чуқурлик ва 0,80-0,90 метр диаметр билан ковланган. Рободдаги муҳим археологик пунктлардан бири ҳам-

моми очилиши шаҳар хўжалигини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳаммом эркак ва аёлларга мўлжалланиб, унда чўмилпиш учун бир неча алоҳида хоналар ва дам олиш хоналари бўлган. Ҳаммом ер остидан иситилиб қайноқ сув ҳар бир хона остидан ўтказилган. Хоналарга геометрик гуллар ва чиройли ранглар билан безак берилган. Ҳаммомлар тоза сақланган, одамлар дам оладиган, ҳатто ажнабий савдогарлар учрашадиган жой бўлган. Ҳаммом деярли 200 йил бир неча марта таъмир қилиниб ишлатилган. Бундан эллик мартача бир неча бор қилинган махсус ганч сувоқлари далолат бермоқда. Тадқиқотчилар ҳаммомни 11-12-асрларга оид деб аниқлайдилар.

11-12-асрлардан эътиборан Ахсикент довуғи сўпа бошлайди. Пойтахт Ўзган шаҳрига ўтади. Лекин шунга қарамай Ахсикент водийнинг иқтисодий, савдо ва маданий маркази бўлиб қолаверган. Бу ҳақда кўплаб ўрта аср манбаларида маълумотлар келтирилган, яъни Ахсикент катта савдо йўлидаги йирик пункт эди. 13-аср бошларида кўпгина шаҳарлар қаторида Ахсикент Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан вайрон этилган. Энди Ахсикент шаҳар сифатида бошқа ерда ҳозирги Янги Ахси деган жойда тикланди. Бу ҳақда ашъвий далиллар кўплаб топилган.

КҲХНА ҚУВА

Ўрта аср ёзма ёдгорликларида Қуба деб номи зикр этилган, водийни шарқий қисмидаги муҳим савдо йўли тармоғида жойлашган шаҳар. Асли номи Қубба бўлган Қуба эрамининг бошида барпо бўлган. Бу шаҳар Буюк Ипак йўлидаги Ўзгандан кейинги иккинчи йирик тижорат шаҳридир.

Таниқли археолог Булатова раҳбарлигидаги Марказий Осиёда ягона бунда ибодатхонаси ва ойнасозларнинг турар жойлари бўлганлиги аниқланган. Будда маданиятига оид бу намуналар Тошкент музейларида сақланмоқда, улар VII асрга оид деб тахмин қилинмоқда.

Археологик ва ёзма манбаларга таяниб Қува шаҳри тарихини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

1. Қадимги Қува
2. Илк ўрта асрлар Қуваси
3. Ўрта асрлар Қуваси.

Уни қолдиқлари шу номли шаҳарнинг шимолий-ғарбий чеккасида жойлашган. Археологик қазинмаларга кўра шаҳар ёзма манбалар қайд этган вақтдан анча илгари пайдо бўлган экан. Хусусан И. Ахроров текшириш ўтказган шаҳар деворларини остидан ва ички шаҳардан эрамизни биринчи асрларига оид материаллар топилган. Бундан келиб чиқиб шаҳар қадимги аҳоли яшаш пункти ўрнида бунёд қилинган дейиш мумкин.

Шаҳар 5-6-асрларда анча тараққий этади ва у кучли мудофаа деворлари ҳимоясига олинади. Бу жараён кейинги асрларда (7-8) давом қилади. Шаҳарни кўрсатилган даврдаги ҳаётига таълуқли 80 дан ортиқ хона, бешта кўча ва улар билан боғланган марказий майдон ковлаб очилди. Шаҳардаги уй-жойлар даҳаларга бўлинган экан. Ҳар даҳада турар-жой ва ҳунармандчилик бинолари жойлашган. Энг йирик даҳада 14 та хона, майдонларида бўлса 4 та хона қазиб очилди. Уйлар икки қаватли бўлган кўринади. Ҳар бир даҳа марказий майдон атрофига жойлашган бўлиб кўчалар билан ту-

таштирилганди. Қазиб олинган кўчалар анча тор экан: пнеда ёки отлик одам юриши мумкин, аммо аравалик бу кўчаларга сифмаган.

Турар-жой бинолари ва ҳунармандчилик рас-талари шимолида юқориди қайд этилганидек 7-8-асрларда фойдаланилган будда ибодатхонаси ков-лаб топилди. Бу ибодатхона ўзининг меъморий сими билан Шарқий Туркистон ёки Урта Осиёни турли жойларидаги бошқа ана шундай иншоотлар-дан фарқ қилади. Унда будда ибодатхоналарига хос бўлиб маросим ўтказишда фойдаланилган кўп-гина меъморий белгилар учрамайди. Қурилишда кўпроқ маҳаллий шарт-шароит ва мавжуд практи-каси қўлланилган кўринади. Лекин ушбуларга қа-рамай бу иншоот будда ибодатхонаси бўлган деган фикрни таъкид қилмоқ керак. Чунки ибодатхонадан топилган будда дини илоҳилари (худолари) билан боғлиқ сиймоларни ҳайкаллари ва тасвирилари шу-га гувоҳлик бермоқда. Бунга икки одам бўйи билан баробар келадиган ҳайбатли будда ҳайкалини (9-сурат) ва будда дигидаги Шри-дэви, Манчжушри илоҳлари сиймолари ҳайкаллари киради. Ҳайкал-ларни юз тузилиши ёки бошқа белгиларида Урта Осиё будда ёдгорликларидаги ана шундай топилма-лар билан умумий ўхшашлик бор. Лекин Қувадаги будда образларини сиймоларида озгина бўлсада туркийлашган тип тасвири беришга ҳаракат қилин-ган. Бу Қува будда ибодатхонасидагина хос бўлган нарсадир. Қува будда ибодатхонаси араб истилоси даврида вайрон қилинган бўлиши керак. Чунки худди шу вақтга оид қатламларда кучли ёнғин из-лари аниқланган. Бу ибодатхона Фарғона водийси учун ноёб топилмадир. Сабаби ҳозирга қадар во-дийда будда дини ибодатхонаси топилганича йўқ. У Урта Осиёда аниқланган Оқ бешим, Қоратепа,

Ажинатепа каби ёдгорликлар қаторида туради. Тўғри Фарғона вилоятида Санкт Петербурглик олима Н. Г. Горбунова Қаркидон сув омбори қурилиши вақтида будда ибодатхонаси ступаси топилганини эслатади. Аммо Қаркидонда на ибодатхона қолдиги, на бирор ҳайкал топилди. Шунга қарамай иморат қурилиши режасида жуда ҳам будда саждагоҳ-лрига ўхшаш томонлари кўп. Балким бу будда саждагоҳларини ўзига хос Фарғонача шаклидир.

Араб истилолари даврида Ўрта Осиёда сиёсий вазият оғирлашади ва бу нарса иқтисодийга таъсир кўрсатади, натижада шаҳарлар ҳам таназзулга юз тутадилар. Лекин 9-асрдан бошлаб Қува яна ривожлана бошлайди 10-аср оид китоблардан аён бўлишича водийда 40 га яқин шаҳар бўлиб уларни ичида йирикларидан бири Қува ҳисобланган. Мақсади, Ибн Хавқаллар ёзишича Қува сув билан яхши таъминланган, боғдорчилик ривож топган Ипак йўлининг Фарғона — Қашқар бўлагидаги шаҳар эди. Шаҳар 12 гектар майдонни эгаллаган: арк, шаҳристон, робод қисмларига бўлинган. Рободда бозор, сарой ва шаҳар қамоқхонаси жойлашганди. Ўрта асрлик тарихчилар яна хабар беришадикки бузилиб кетан эски арк ўрнида жума масжиди бор эди. Тангашунос олима Е. А. Давидович Қува пул зарбхонаси бўлганлигини аниқлаган. Қува шу тариқа то мўғиллар бостириб келгунча гуллаб яшнайдди, мўғуллар ҳужуми вақтида у вайрон қилинади — ёниб кетади.

Қува топилмалари Ҳиндистон, Шарқий Туркистонда аниқланган материалларга айнан ўхшашлиги, ўрта асрларда маданий-иқтисодий алоқаларни янада ривожланганини, маданият ва санъатни юксалганини кўрсатади. Қолаверса, Қува юқорда

эслаганимиздек Қашқар — Фарғона ҳалқаро савдо йўли бўйидаги йирик шаҳар эди. Бу шаҳарда гарбдан, шарқдан ва жанубдан келаётган савдо карвонлари қўшим топганлар. Балким, бир томондан Қува будда ибодатхонаси худди шу йўловчи диндорларга мўлжаллаб қурилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

БУЮК САВДО ЙЎЛИНИНГ БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАГИ (Хулоса ўрнида)

Шарқ билан гарбни боғлаган саҳро, денгиз ва чўллар орқали ўтган улкан ҳалқаро йўлнинг кичкина бир Фарғона бўлаги ва уни бўйидаги шаҳарлар қисқача тарихи билан танишдик ва шу нарсага амин бўлдики савдо йўли бўйидаги маданий иқтисодий алоқалар ушбу ашҳарларни ривожланишига туртки берган экан. Ушбу йўл бир неча асрлар давомида ишлаб турди, ундаги савдо карвонлари ва савдогарлару элчилар йўл жабҳасидаги ҳалқларни бир бирларига боғлаб турдилар. Савдо ишларида турли тилларда сўзлашувчи, ҳар ҳил худоларга сиғинувчи савдогарлар турардилар. Улар маданиятли ва саводли кишилар бўлганлар: ёзувни, товар ва уни нархларини, йўллар ва тилларни, урф-одатлар ва динларни билганлар. Савдогарлар фақат савдо иши қилиб қолмасдан ўз давлатлари манфаатларидан келиб чиқиб махсус топшириқ оладиган гумашта (айғоқчи) ҳам бўлганлар. Жумладан ўша Хитойлик Чжан Цзянь император саройига қўшни давлатлар армияси, аҳолиси, шаҳар ва қишлоқлари тўғрисида маълумотлар тўплагани тарихий фактдир. Яна савдо кишиси қадимдан маданият ва дин тарғиботчиси ҳисобланган. Айрим Хитой, Византия товарларини Ўрта Осиёда хусусан Фарғонада тарқалиши ёки бўлмаса Ўрта Осиё ва Фарғо-

на моддйи маданияти осори атиқаларини Шарқий Туркистон ҳатто узоқ Сибирияда тарқалишида савдо карвоиларини аҳамияти каттадир.

Ипак йўлидаги алоқалар баъзи бир сабабларга кўра кейинги 100 йил ичнда деярли тўхтаб қолди. Фақатгина бир неча шарқ мамлакатлари ташаббуси билан халқаро ҳамжамият ЮНЕСКО томонидан Буюк ипак йўли ва уни тиклаш масаласи кун тартибига қўйилди. Яъни 1987 йили бўлиб ўтган ЮНЕСКО ни 24-сессияси 1988-1997 йилларга мўлжалланган «Ипак йўли — мулоқот йўли» йирик лойиҳасини амалга оширишга қарор қабул қилди. Бунга кўра лойиҳа савдо йўли бўйи халқларини йиғирма биринчи аср остонасида бир бирлари билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатиши, тинчлик ва барқарорлик учун хизмат қилиши керак эди. Шу мақсадда бу улкан лойиҳа бўйича учта халқаро экспедиция амалга оширилди:

1. Денгиз йўллари бўйлаб экспедиция.
2. Сахро йўллари билан экспедиция.
3. Чўл йўлларида уюштирилган экспедиция.

Охириги «Чўл йўли» деб аталган йўл маршрути ҳозирги Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги мустақил давлатлар ҳудудларидан ўтди. 1991 йил 17 апрелдан то 18 июнгача давом этиб салкам 12000 км йўл босилди (расм). 2 та хорижий давлатдан 78 олим, тадбиркор, диндор ҳамда собиқ СССРдан 120 га яқин олим, маданият арбоблари, халқаро туризм мутахассисликлари қатнашдилар. Экспедиция ўз олдига қўйидаги йирик вазифаларни қўйган эди.

1. Буюк ипак йўли ва уни маршрутларини илмий жиҳатдан ўрганиш, йўл бўйида жойлашган ма-


даний меросни хариталарга тушириш ва илмий таҳлил қилиш;

2. Ипак йўли бўйидаги маданий меросимизни ташвиқот ва тарғибот қилиш;

3. Ипак йўли чорраҳаларидаги шаҳарлар, қишлоқлар, карвон саройларни аниқлаш ва ўрганиш, вайронларни археологик тадқиқ этиш, агар зарур топилса уларни таъмирлаш.

Бир сўз билан лойиҳа халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, қўшничилик, тотувлик байроғини кўтаришдек вазифани ўз олдига қўйган эди. Экспедиция маршрути ўтган ҳар бир республика, қишлоқ ва туманларда авваломбор ўша ердаги маҳаллий халқларни тарихи, маданияти, иқтисодиёти билан чуқур танишилди. Бу ЮНЕСКО халқаро ташкилоти орқали Ўрта Осиё — халқлари маданиятини биринчи марта дунёга ўзига хос таништириш эди. Экспедиция қатнашчилари Фарғона водийсида деярли бир ҳафта бўлдилар, 10 дан ортиқ шаҳарларни ҳаёти билан танишдилар. Қадим Фарғона водийсидаги халқлар ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар урф-одатлари кундалик ҳаётлари ва машғулотлари билан яқиндан танишдилар. Халқаро илмий карвон 12 июнь кунини Қозоғистон чегарасидаги Хитойдан Ипак йўли тармоғини рмзий бирлаштириш билан ўз ишини тўхтатди. ЮНЕСКО ипак йўли режаси ҳали давом этиши керак. Кўҳна ипак йўлини тиклаш борасидаги ҳаракатлар бир дақиқа бўлсада тўхтагани йўқ. Ҳозирда ноқ Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ташаббуси билан Хитойни ғарб давлатларига боғловчи темир йўлини Ўрта Осиёдан ўтгувчи қисми қурилиши Туркменистон ҳудудида бошлаб юборилди. Халқаро савдо йўлидаги яна бир муборак қадам — Самарқандда Марказий Осиё институтини яқин вақт-


ларда очилишидир. Бу институт Марказий Осиё халқларини маданияти ва иқтисодини билан шуғулланади ва ушбу ҳудуддаги мустақил давлатларда бўлимларига эга бўлади. Ҳалдаги яна бир муҳим вазифа ўтмишда халқаро меҳмонхоналар саналган карвон саройларни тиклаш, йириқ шаҳарларда халқаро туризмини ривожлантириш вазифалари туради. Буюк ипак йўлини туризм йўлига айлантиришимиз керак. Хуллас аجدодларимиз авайлаб асраган Буюк савдо йўлини халқларимизга хизмат эттириш ва Буюк Ипак йўли руҳини тиклаш керак.




Қадырлы Әбілқайыр шайхы қаробасы.


Будучи Мунге иҗан ва у бидан борлашган салдо иҗтларни.

(5)





1991 йил апрель—июль ойларига ЮНЕСКО ташкил этган, «Мунаққул» — Музолиф йўли» Халқаро элекронинформацион ларирути.







Шўрабашат наҳар харобаси режаси.



— Мингтепа (Эрши) шаҳар харобаси. Ички шаҳар режаси.



Хитой манбаларида таърифланган машхур Давань (Фаргона) тулпорлари.



Милодий йил сана бошларига оид сопол пдмш.



Мут қалъаси (Қосонсой тумани) А. Ш. Бернштам реконструкцияси.



Қува ибодатхонасида тонилган будда хайкалининг юз қисми.

МАТНДА БЕРИЛГАН СУРАТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1 — сурат, Қадимги Эйлтон шаҳар харобаси. Ички шаҳар режаси (Ю. А. Заднепровский бўйича олинган).
- 2 — сурат, Буюк Ипак йўли ва у билан боғланган савдо йўллари
 - 1—Ипак йўли йўналиши
 - 2—Ипак йўли билан боғланган иккиламчи йўллар
 - 3—сув йўли.
- 3 — сурат, 1991 йил апрель—июнь ойларида ЮНЕСКО ташкил этган. «Ипак йўли—мулоқот йўли» халқаро экспедицияси маршрути.
- 4 — сурат, Шўрабашат шаҳар харобаси режаси. (Ю. А. Заднепровский бўйича олинган).
- 5 — сурат, Мингтепа (Эрши) шаҳар харобаси. Ички шаҳар режаси. Пастда Марказий тепаликдан бир кўриниш.
- 6 — сурат, Хитой манбаларида таърифланган машҳур Давань (Фарғона) тулпорлари.
- 7 — сурат, Милодий йил сана бошларига онд сопол идиш.
- 8 — сурат, Муғ қалъаси (Косонсой тумани). А. Н. Бернштам реконструкцияси.
- 9 — сурат, Қува ибодатхонасидан топилган будда ҳайкалининг юз қисми.

ИЗОҲЛАР

1. Бизларни ихтиёримиздаги материаллардан ва водийни ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, фақатгина водийни Ўзбекистон қисмидаги қадимги шаҳарлар тарихига тўхталдик. Зарур бўлган тақдирда масалан Шурабашат ёдгорлигини жалб қилиш керак бўлди... Чунки бу ёдгорлик Қирғизистон ҳудудида жойлашган бўлсада шаҳарлар тарихини очиб беришда уни аҳамияти каттадир. Қолаверса ҳозирги маъмурий бўлинишлар кейинги Октябрь тўнтариши оқибатида вужудга келган.

2. «Фарғона» номини келиб чиқиши алоҳида бир мавзу, лекин бу тўғрида кейинги пайтларда ҳар хил мақолалар эълон этилаётирки, уларни кўпчилигида масалага бир ёқлама ёндашиш ҳоллари учрамоқда. Шуларни ҳисобга олиб бизлар қисқача ушбу мавзуга тўхталамиз. Аввломбор шуни таъкид этамизки, Фарғона тўғрисида форс, грек муаллифлари асарларида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Тўғри Герра-dot аҳомонийлар салтанати сатрапликларига тўхталиб «париканлар» деган халқни эслаб ўтади. Фарғона сўзини худди шу халқ номидан келиб чиққан деб тахмин этувчилар бор. Дастлаб немис олими Э. Херцфельд «парикан»ларни ҳозирги Фарғона водийсида яшаган халқдир деган фикрни билдирган. Бу ғояни А. Н. Нериштам, Ю. А. Заднепровский ва бошқалар қўллаб-қувватлайдилар. Бунга қарама-қарши фикр билдиргувчилар ҳам бор. Улар «парикан»лар Фарғонада эмас, Индия ва Гедросияда яшаганлар деган фикрни қарши қўядилар. Яна бир манба пахлавий ёзувларида Сирдарёда жойлашган «Паркан» давлати номи учрайди. Элшунослар текширувларига кўра Тожикистоннинг Рўшан лаҳжасида «Парғана» текислик жой ёки фақат бир томони очик, қолган

томони тоғ билан ўралган водий деган маънони беради. Язгуломда «барғона» сўзи атрофи ўралган водий маъносини беради. Булардан ташқари Хитой манбаларида Фарғонани бир неча хил аталishi учрайди. Да Юань ёки Та Юань (бизнингчасига Давань бўлиб кетган), Полона (Лона), Бохань, Нинь-юань.

Демак, Фарғона сўзини келиб чиқиши, маъноси ҳозирги кунда тўла ҳал этилгани йўқ.

3. Чуст маданияти—милоддан аввалги икки минггинчи йил охири бир минггинчи йил бошларида Фарғона водийсида яшаб ўтган деҳқончи қабилалар маданияти. Бу маданиятга таълуқли 1-ёдгорлик 1950 йили тошкентлик М. Э. Воронец, В. И. Спришевскийлар томонидан ҳозирги Чуст шаҳри яқинидаги Буонамозор (Бибионамозор) деган жойда топиб ўрганилган. Шунинг учун бу қадимги маданият номи биринчи топилган ёдгорлик яқинидаги шаҳар номи билан аталган. Ҳозир Чуст маданиятига оид водийда 80 дан ортиқ археологик ёдгорлик аниқланган.

4. Эйлатон маданияти (кейинги пайтларда Эйлатон—оқтом маданияти номи ҳам қўлланилган) — милоддан аввалги 6—4-асрларга тўғри келадиган деҳқончи ва чорвадор қабилалар маданияти. Ушбу даврга оид энг йирик Эйлатон шаҳар харобаси номидан қадимги маданият шундай деб аталади. Эйлатон Андижон вилояти Избоскан туманида жойлашган ёки ҳозирги Норин тумани яқинидаги Хаққул-обод темир йўл станцияси яқинидан шундоқ кўриниб туради.

5. Андижон довони — Шарқий Туркистон билан Фарғона ўртасидаги довоилардан бири, А. Уринбоев ва О. Бўриевлар фикрича Карвонкўл довони.

6. Чин—Хитойдаги ўша вақтдаги овирлиги бирлиги, буни ҳозирги қандай ўлчов бирлигига боғлаш ҳақида бир хил фикр йўқ. Бир жойда 1 чин 224 граммга тенг дейилса, бошқа ерда 1 чин 560 граммга тенг дейилади.

7. Пол билан боғлиқ материалларни кўпчилигина ҳисобга олиб шаҳар тарихи тўғрисида «Қадимги Пол» рисоласи тайёрланмоқда, ўша рисолада бу масалага батафсил тўхталиш ниятимиз бор.

8. 50-йилларда археологик қазув ишлари олиб берган олим М. Э. Воронец ёдгорликларни номлаиши ҳақида ўз кундаликларида Мунчоқтепа—Айртотм иккаласи бир ёдгорликдир деб ёзиб қолдирган. Бизнингча, маҳаллий аҳоли ўрта асрлар шаҳар харобасини Айртотм шҳри деб атаган. Ёмғирдан кейини мунчоқлар чиқиб ётадиган қабристон қисмини Мунчоқтепа деб аталган, кейинча эса Айртотм атамаси аста секин истеъмолдан чиқиб кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Анорбаев. Ахсикент в древности и средневековье (Итоги и перспективы исследования), Советская Археология, 1988, № 1, с. 171—187.

2. Ахраров И. А. К истории фортификации и исторической топографии Ахсикета. Тезисы докладов международной конференции «Средняя Азия и мировая цивилизация», Ташкент, 1992.

3. Беленицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии, Л., 1973.

4. Беришам А. М. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня. Материалы и ис-

следования по археологии СССР, № 26, Москва — Ленинград, 1952.

5. Бичурин Н. Я. (Иакинф) Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Москва, 1950.

6. Буряков Ю. Ф. Торговые пути и их роль в урбанизации бассейна Яксарта, в книге: На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути, Ташкент, 1980, С. 82—100.

7. Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы, Археологический сборник Государственного Эрмитажа, вып. 25, 1984, С. 99—107.

8. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. Материалы и исследования по археологии СССР, № 118, Москва — Ленинград, 1962.

9. Заднепровский Ю. А., Матбабаев Б. Х. Городище Мархамат (Некоторые итоги изучения) История материальной культуры Узбекистана, вып. 25, Ташкент, 1991, С. 62—72.

10. Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезолита до бронзы), Душанбе, 1982.

11. Массон В. М. Экономика и социальный строй древних обществ, Ленинград, 1976.

12. Матбабаев Б. Х. Города Пап и Эрши на трассах Великого Шелкового пути. Тезисы докладов международной конференции семинара ЮНЕСКО, Ургенч, 1991, С. 83—85.

13. Мерз в древней и средневековой истории Востока. Тезисы докладов научного симпозиума, Ашха-

бад, 1990.

14. Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии (по материалам городища Джаркутан), Автореферат на соискание ученой степени доктора исторических наук, Москва, 1993 г.

15. Уринбоев А., Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, 1991.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Фарғона водийсида дастлабки археологик тадқиқотлар	5
Водий шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	12
Қадим ва ўрта асрларда Буюк Ипак йўли ёқасидаги шаҳарлар	25
Ючен-Шурабашат шаҳри харобаси	30
Эрши-Мингтепа шаҳри қолдиқлари	32
Баландтепа-БАБ (ПОП) шаҳри	39
Гуйшуань-Гйесай Даваннинг пойтахти	42
Муғ қалъаси	44
Ахсикент	47
Кўхна Қува	50
Буюк савдо йўлининг бугуни ва келажаги (хулоса ўрнида)	54
Матнда берилган суратлар руйхати	67
Изоҳлар	68
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	70

Корректор: ҚОДИРОВ А. Т.

Теринга берилди 2.11.94 йил. Босишга рухсат берилди 5.12.94
йил. Формат 60X84 1/16. Хажми 4,5 т. Тиражи 1000.
Буюртма 7661. Баҳоси келишилган нархда.

Фаргона политехника олийгоҳи басмахонасида чоп этилди.

